

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

# VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan ● 2023-yil 6-yanvar, №1 (3012)



**BIZ**  
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

facebook.com/mudofaavazirligi

t.me/mv\_vatanparvar\_uz

instagram.com/mudofaavazirligi

t.me/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOIIY-SIYOSIIY, MA'NAVIY-D

BIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

www.mv-vatanparvar.uz



## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ЯНГИ ЎЗБЕКISTONNING МУСТАХКАМ ҚАЛҚОНИ

Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди ва ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати деб билади. Истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг айрим мамлакатларида юз бераётган турли можаро, нотинчлик, тартибсизликларни кузатар эканмиз, она заминимиздаги тинч ҳаёт, мусаффо осмон билан фахрланамиз.

Бугунги кунда баъзи мамлакатлар халқларининг ҳаловати бузилган. Сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй бераётган бундай мудҳиш воқеаларга уйғоқ кўз, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим.

Дунёнинг бугунги манзарасига боқиб, золимларнинг зулми тобора ҳаддан ошаётгани, мазлумларнинг оҳ-доди, фарёди эса тобора кўкка ўрлаётганини кузатиш мумкин. Адолатсиз, маънисиз урушлар рўй берапти. Айрим сиёсий марказлар

Ер юзиде зулм ва бузғунчилик уруғини сочаётир.

Мана шундай пайтда тинч, хавфсиз, барқарор мамлакатда яшаётганинга шукр қилсан киши. Аммо тинчликни таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Унинг ортида бу ишга масъулларнинг уйқусиз, бедор тунлари, машаққатли меҳнатлари ётади.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг жорий йилнинг 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучлари-

миз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларнинг янги босқичга олиб чиқиши, бу борада депутат ва сенаторлар, маҳалла, нуруний, хотин-қизлар ва ёшлар фаолларига, бутун халқимизга қарата энг бебаҳо олий неъмат – тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етиш, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларнинг бахту камоли учун бу улуг бойликни асраб-авайлашни таъкидлаб ўтгани бежиз эмас, деб ўйлайман.

2-sahifa▶▶



### MEMORANDUM IMZOLANDI

4-sahifa▶▶



### YANGI UY QUVONCHI

7-sahifa▶▶



### QUROLLI KUCHLARIMIZ TAYANCHI

9-sahifa▶▶



### MAVSUM MUVAFFAQIYAT BILAN BOSHLANDI

17-sahifa▶▶

# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ



**Кутбиддин БУРҲОНОВ,**  
Олий Мажлис Сенатининг  
Мудофаа ва хавфсизлик  
масалалари қўмитаси раиси

Шундай экан, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртва меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият бериш олдимиздаги кечиктириб бўлмаган, муҳим вазифалардан. Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даври, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуроли мижоз ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар биздан доим огоҳ ва ҳушёр бўлишни тақозо этади. Ана шундай ғоят масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишда Қуроли Кучларимиз, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўрни ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуроли Кучларимиз қудратини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Қуроли Кучларимиз қўмондонлик таркиби жойлардаги ҳокимият идоралари ва халқимиз билан биргаликда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилаётгани эътиборга молик.

Бу борада, энг аввало, ҳарбий хизматчилар, айниқса, командирлар таркибининг профессионал тайёргарлигини ошириш миллий армияни янада ривожлантиришнинг энг муҳим шarti. Шундан келиб чиққан ҳолда Қуроли Кучлар Бош штаби ҳамда ҳарбий округлар бошқарув аппаратлари офицерларини, бригада командирлари ва уларнинг ўринбосарларини ўқитиш бўйича Қуроли Кучлар академиясида янги тизим йўлга қўйилди. Унга кўра, соҳа учун кадрлар тайёрлашда назария ва амалиётни имкон қадар яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иккинчидан, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш бўйича комплекс дастурларни тайёрлашда бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган ҳарбий мижозлар хусусиятларини, қўшинларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобга олинаётгани мақсадга мувофиқ. Бу борада энг зарур қурол-аслаҳа ва анжомларни сотиб олиш, уларни янги жанговар тизимлар билан биргаликда қўллаш ва такомиллаштириб бориш давлатимизнинг доимий эътиборида. Зеро, ён-атрофдаги нотинчликлар хавфсизлигимиз хусусида бош қотиришга ундайди.

Учинчидан, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуроли Кучларимиз

фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги ишларимиз изчил давом эттириляпти. Ҳозирги вақтда бутун жамиятимизда, жумладан, Қуроли Кучлар тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларда «Инсон қадр учун» деган муҳим тамойил биринчи ўринга қўйилаётгани ҳаммамизга яхши маълум. Шубҳасиз, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олаётган бундай жадал ўзгаришлар юртимизда ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, армия ва халқ бирлиги янги мазмунга эга бўлиб, ёшлар қалбида армия билан фахрланиш туйғуси, Ватан ҳимоячисидек олижаноб касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий қисм ва полигонлардаги инфратузилма, аскар ва офицерларнинг шароитлари яхшиланди. Хусусан, сўнгги олти йилда 10 мингга яқин ҳарбий хизматчи имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминланди. Улар хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейин иш ва тиббий хизматлар билан таъминлашни ҳам эътибордан четда қолмапти.

Истиқлол даврида Ўзбекистон армияси жуда мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ёш давлатнинг ўта оғир шаклланиш йилларида айнан Қуроли Кучлар мамлакатимиз мустақиллиги, халқнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаш, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилди.

Кейинги йилларда амалга оширилган туб ислохотлар туфайли тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армия ташкил этилди. Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда боболаримизнинг жанговар аънаналари муносиб давом эттирилмоқда.

«Халқ ва армия – бир тану бир жон» деган эзгу тамойил асосида улкан ишлар амалга оширилаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугунги кунда юрдошларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини ҳаётнинг барча соҳаларида амалда ҳис этмоқдалар. Айниқса, мураккаб синув даври бўлган пандемия пайтида ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда, биз учун бебаҳо бойлик – тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилишда бу яқдиллик янада яққол намоён бўлди. Энг муҳими, мустақиллигимизнинг ўтган 31 йилида Қуроли Кучларимиз етук армияга айланди. Бу Ватанимиздаги тинчлик, барқарорликка, халқимизнинг осойишта яшашига замин бўляпти.

Мудофаа тизимининг жанговар салоҳиятини ошириш бўйича жуда катта ишлар қилингани, ҳарбий бошқарув тизими деярли янгидан барпо этилгани, ҳарбий-маъмурий секторлар тузилгани, қўшин турлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича таъсирчан механизмлар йўлга қўйилгани, энг мураккаб вазифаларни ҳам тезкорлик билан бажаришга қодир бўлган бўлинмалар ташкил этилгани, қўшинларнинг жанговар ва руҳий тайёргарлик даражаси ошгани тизимдаги ислохотлар меваси, десак, адашмаган бўлаемиз. Қуроли Кучлар академияси, янги ташкил этилган Ҳарбий-тиббий академияси, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари ва бошқа ихтисослаштирилган ўқув юртлари про-

фессионал кадрлар тайёрлаш масканларига айланиб улгурди. Натижада, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқиш ва интилиш ҳар қачонгидан кучайди.

Тинчлик ва осойишталик, барқарор тараққиётни таъминлаш вазифасини бажараётган миллий армиямиз куч-қудрати ва салоҳияти ортиб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли янада ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда тинимсиз машғулотларда юксак касбий тайёргарликка эга бўлаётган ҳарбий хизматчиларимиз эса Ўзбекистон армияси халқаро майдонларда неларга қодир эканлигини амалда намоён этмоқда. Бунга яққол мисол сифатида ҳарбий хизматчиларимиз иштирокидаги Халқаро армия ўйинларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги VIII Халқаро армия ўйинларининг 21 та йўналишида иштирок этди. 34 та йўналишни қамраб олган мусобақаларда 37 та давлатдан 257 та жамоа ўзаро беллашди. Хусусан, мамлакатимиз ҳудудида мусобақаларнинг 5 та йўналиши бўлиб ўтди.

Шиддатли ва муросасиз кечган «АрМИ – 2022» Халқаро армия ўйинларида вакилларимиз муносиб иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Мазкур мусобақада вакилларимиз Ўзбекистон армиясининг куч-қудрати, ҳарбий хизматчиларимизнинг жанговар шайлигини, бир сўз билан айтганда, ўз касбининг ҳақиқий усталари эканини намоён эта олди. Хусусан, ғалабали юришлар, рекорд натижалар ва ғолиблик шохсупалари бунинг ёрқин мисолидир. 12 та давлат ҳудудида ўтказилган армия ўйинларида мамлакатимиз байроғи энг юқорида кўтарилиб, мадҳиямиз такрор ва такрор янгради.

Мамлакатимизда ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланади. 1992 йилнинг 14 январидан Республика Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, юртимиз ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасалар республика тасарруфига олинган. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги қонуни билан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни этиб белгиланди.

Президентимизнинг 2022 йил 14 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллигини ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ижроси доирасида шу кунларда юртимиз бўйлаб «Миллий армиямиз Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқонидир!» шиори остида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказила бошланди. Мазкур фармойишдан кўзланган асосий мақсад Қуроли Кучлар ташкил этилган сана ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ва уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, халқ ва армия яқдиллигини янада мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқароларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини камол топтириш, шунингдек, Қуроли Кучларимиз нуфузини янада оширишни таъминлашдан иборатдир.

Фармойиш билан Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби, шунингдек, ташкилий-амалий, ахборот-ташвиқот, ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-маърифий тадбирларни ўз ичига қамраб олган чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди. Дастурда таълим-тарбия муассасаларида, жамоат жойларида, маҳаллаларда, муассаса ва ташкилотларда ўтказиладиган тадбирлар алоҳида белгиланган. Хусусан,

ўқувчи-ёшларни ҳарбий касбларга йўналтириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида «Мард аскар – ёшларга намуна!» шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини, ҳарбий қисм ва муассасаларда очик эшиклар кунини, умумтаълим мактабларида «Ватанпарварлик дарслари»ни ўтказиш, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги музейларга экскурсияларни ташкил қилиш, шунингдек, ўқувчи-ёшлар ўртасида «Посбониман муқаддас юртининг» мавзусида иншо ва шеърли асарлар танлови ҳамда «Менинг армиям – менинг фахрим!» мавзусида «Энг яхши тасвирий санъат асари» танловларини ўтказишга киришилди.

Жойларда ҳарбий хизматчилар ва ёшлар ўртасида Ҳарбий-маъмурий сектор раҳбарининг соврини учун «Амир Темур ўғлонлари», «Жалолиддин Мангуберди ворислари» ва «Тўмарис издошлари» кўрик-танловларини, «Аскар оналарини шарафлаймиз» ва «Менинг акам – Ватан ҳимоячиси» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилаётгани навқирон авлод онги ва қалбида ватанпарварлик, юрта дахлдорлик ҳиссини кучайтирмоқда.

Қўшинларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари ижтимоий ҳимоясига доир кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳукумат қарори билан Мудофаа вазирлиги қўшинларида хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассисларга ҳар ойлик лавозим маошининг 100 фоизгача миқдорда устама тўланиши йўлга қўйилди.

Мудофаа вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида қабул қилинган қўшма қарорга асосан, 2022 йилда 800 нафар ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоқлари касб-хунарга ўқитиш мономарказларида ўқитилиб, касбга йўналтирилди. Бугунги кунда ҳарбий хизматчилар рафиқаларининг 400 нафари тадбиркорликка жалб этилди. Ҳарбий шаҳарчаларда 125 та тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилди. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси куч тузилмаларида фаолият юритаётган ҳарбий хизматчи аёллар ўртасида «Ватан меҳри юрагимда» шиори остида ташкил этилган «Тўмарис издошлари» танлови ҳам аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор ифодасидир. Мазкур танловда Мудофаа вазирлиги жамоаси тенгсиз, дея топилди.

Энг қувонарлиси, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан, «Тўмарис» кўкрак нишон таъсис этилди. Ушбу мукофот билан куч тузилмаларида хизмат қилаётган ҳар томонлама муносиб, ватанпарвар ҳарбий аёллар ва ишчи-ҳодимлар тақдирланади.

Бугун барчамиз мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш ва хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг кўрсатган қаҳрамонликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида улар истиқомат қилган маҳаллаларда «Қаҳрамонлар номи барҳаёт!» мавзусида давра суҳбатларини ташкил этиш, ҳарбий хизматчилар, аҳоли ва ёшлар ўртасида спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, ҳарбий-ватанпарварлик фестивалларини ташкил этиш ҳамда «Маънавий қарвонлари» ташифини амалга ошириш ишларига камарбаста бўлишимиз даркор.

Бундай тадбирларнинг Қуроли Кучларимиз салоҳиятини янада кучайтиришдаги аҳамияти катта, албатта. Қолаверса, бу каби кенг қўламли чора-тадбирлар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда халқимизнинг омилардан бири бўлмоқда. Бу жиҳатлар эса халқимиз осойишталигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакат суверенитетини таъминлашга, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишга хизмат қилади.

# БҒУ БАЙРАМНИНГ НОМИ МАРДЛИКДИР

Асрлар оша кўплаб анъаналарнинг шакл-шамойили, феъл-атвори, шароит ва муҳитдаги ўрни ўзгарса-да, аммо уларнинг мазмун-моҳияти ҳамон асл оҳангида сақланиб келаётганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, байрам ва тантанали маросимлар инсоният тарихида ўзгача нуфуз ва кўтаринки ҳодиса сифатида нишонланиб келинади. Ҳатто илк ибтидоий жамоа шаклида кун кечирган уруғ бирлашмалари ҳам жилла қурса бароридан келган овдан сўнг гулхан атрофида ўз қаҳрамонликларини ёввойиларча нишонлагани қадимий тош битикларида сақланиб қолган. Фарзанд туғилиши, совуқдан кўкламга соғ-омон етиш, мўл ҳосил, бошпанага эга бўлиш – буларнинг бари ҳар қандай жамоа томонидан ўзига хос кўринишда байрам қилинган.



Вақт ўтиб, инсониятнинг турмуш сифати, яшаш тарзи ўзгариб, маданиятлашиб борар экан, байрам қилиш элементлари ҳам ўзгара боради. Дастлабки байрамлар эътиқод нуқтаи назаридан диний кўри-нишга эга бўлганини ҳисобга олсак, илк жамоалар табиат ва унинг яратиклари, шунингдек, қуёш ва ой, тоғлар ва ҳайвонларга сиғиниб, уларнинг шарафига қурбонлик қилиб, турли маросимларни байрам сифатида ўтказиб келишган.

Қадимий манбалардан бири «Авесто»да келтирилишича, оташпарастлар қуёш худоси Митра шарафига чопқир отларни қурбон қилишган. Чунки отлар қуёшнинг учқур нурлари саналиб, уларни қурбонлик қилиш шараф саналган.

Манбаларда келтирилишича, Суғдиёна, Хоразм, Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида қадимдан «Олов уйлари» ўйинлари, мавсумий маросимларда ўйналадиган ва «Авесто» ижрочилиги билан боғлиқ намойишлар, базм рақслари, мақом ўйинлари, қайроқ ва занг билан ижро қилинадиган ўйинлар, камон, қилич, пичоқ, калтак ва машъалалар билан ўйналадиган жанговар рақслар, сурнай рақслари, қарсақ усуллари билан олиб бориладиган ўйинлар ижро этиб келинган.

Кейинчалик одамларнинг атроф-муҳитга, оламга бўлган қарашлари тубдан ўзгариб борди. Демакки, маросим ва байрамлар ўтказиш кўлами ҳам маданиятлашиб, кенгайгандан-кейгаяверди. Шу тариқа кўплаб майда байрамлар унутилди ва янгилари ўйлаб топилди. Эрамиздан бурунги асрларга келибгина жамоавий миқёсда кенг нишонланувчи байрамлар юзага чиқа бошлади. Хусусан, давлатчилик асосларини яратishi мақсадида катта-катта ҳудудлар ҳарбий юришлар натижасида босиб олинди. Шу тариқа давлатчилик ташкил топган кунларни нишонлаш, қаҳрамонларни шарафлаб, байрам уюштириш, мард ва жасур ўғлонларни тақдирлаш анъаналари ёйилиб борди. Бир сўз билан айтганда, ҳарбий юришлар вақтида жасорат кўрсатган қаҳрамонлар номи юзага чиқа бошлади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да жасорат сўзи арабча мардлик, кўркмаслик, шижоат, қаҳрамонлик деган маъноларни ифодалаши келтириб ўтилган. Жасоратли сўзи эса хавф-хатарлардан, қийинчиликлардан кўркмайдиган, доворак маъноларида келади. Изоҳли луғатда ушбу сўзнинг ботирлик, матонатлилик, мустаҳкамлик, қатъийлик, салобат, сабот, чидам каби маънолари ҳам келтирилган.

Юқори тайёргарликдаги ватанпарвар жангчилар тайёрлаш ҳар бир давлат учун ғолиблик ва байрамларга тенг эди. Турли юнон олимлари эрамиздан бурунги IV-III асрдан бошлаб қадимий Ўзбекистоннинг иқлими ва халқлари хусусида қизиқарли маълумотларни келтириб ўтади. Масалан, юнон тарихчиси Геродот: «Массагетлар жуда катта ва жанговар халқ», деб ёзади. Скифларнинг кучи ва қаҳрамонликлари, ҳамжихатлиги Геродотни ҳайратга солар экан, у

бежиз: «Бирон қабила бирлашган скифларга қарши қураша олмайди», деб ёзмаган эди.

Тарихчи Помпей Трог Ўрта Осиёда яшовчи ҳамма қабилалар «Меҳнатга ва урушга чидамлилиги ва енгилмас жисмоний кучи билан ажралиб туради, уларнинг ғалаба ва шухрат қозонишдан бўлак истаклари йўқ», деб ёзса, Квинт Курций Руф: «...Суғдиёнлар – жасур одамлар, гавдалари жуда барваста, улар асир тушганларида ҳам ўлимдан сира кўркмайдилар, ўлим олдидан ашула айтиб, ўз хурсандчиликларини баён қиладилар», деган фикрларни баён қилади.

Демак, ушбу даврга келиб жанг қаҳрамонлик кўрсатиш, ўз ерларини душман кучларидан муҳофаза эта олиш – энг катта байрам сифатида қаралган.

«Қутадғу билик»да жанг мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган аскарлар, ботирлар тўнга (йўлбарс), тўнга алп (шавкатли баҳодир), сўкман (душман сафини ёрувчи) сингари унвонлар билан тақдирланган. Ушбу унвонларни олган жангчилар шарафига катта-катта байрамлар уюштирилган.

Ўзбек халқ қаҳрамонлик дostonларидан бири «Алпомиш»да ҳам Ҳақимбек ўз элини душманлардан озод этгач, халқ қирқ кечаю қирқ кундуз тўйу томоша қилгани фикримизнинг далилидир.

Алпомиш қалмоқлар юртига борганида, Барчиннинг тўқсон алп олдиға кўйган шартини барча қатори бажаришга киришади. Унинг Бойчибор оти пойгадаги тўрт юз тўқсон тўққизта отга кўшилиб, беш юзинчи тулпор бўлиб, Барчин учун бошланган мусобақада иштирок этади. Оти пойгада ғолиб келганидан сўнг у ёй тортиш, танга пулни минг қадамдан уриш ва тўқсон алп билан кураш тушиш синовларида қатнашиб, ўзини кўрсатади. Алпомишнинг ушбу шартларни бажариши – эл-улус учун чинакамига байрам эди.

Аслида байрам сўзи арабчада тантана, шодлик куни маъносини беради. Дostonда «Алплар билан ўзбекнинг полвони ёй тортишар эмиш» деган хабарни эшитган кўнғирот ва қалмоқлар, қиз-йигитларнинг байрамга борадигандай шошиб қолишлари куйидаги мисраларда аён бўлади:

*Қизу жувон саф-саф бўлиб туради,  
Барчиннинг устида талаш бўлади,  
Ғуруллашиб неча алплар келади...*

Байрам сўзининг бадий адабиётга кўчиши унинг маънодорлик кўламини янада ошириб, маъно уфқларини тобора кенгайтириб борди. Навоий ўзининг «Наводир уш-шабоб» асарида элнинг гўё янги ой кўргани-ю, ошиқ эса уни кўролмади, гўёки байрамдан мосуво қолганини ташбеҳлар билан шундай ифодалайди:

*Эл янги ой кўрди ву мен кўрмадим қошинг ҳамин,  
Элга байрам бўлди, аммо бизга байрам бўлмади.*

Шунингдек, шоир асл байрамларнинг маъзи маърифат ва зиёда эканини таъкидлар экан, ўзининг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида шундай ёзади: «...Халойиқға Паҳлавоннинг суҳбати Наврўз ва байрамча бор эрди».

Навоий инсон ўз умрини завқ билан яшаши лозимлиги, ҳатто бир соат ҳам айшдан айро қолмаслигини ўзининг «Бадойи ул-васат» асарида келтиради:

*Ҳар кунунг байрам бўлуб жоҳинг ҳилол ўлсун мудом,  
Кўрмагил беайш умрунг муддати бир соатин.*

Халқ дostonларида баъзан жанг майдонида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган жангчилар ўша ернинг ўзида тақдирланиб, уларнинг шарафига байрамона эҳтиромлар кўрсатилган.

Хусусан, «Алибек билан Болибек» жангномасида юзма-юз келган икки кўшин орасидаги яккалик жанглар, кўшинга руҳ олиб берувчи полвонлар жасоратини олайлик. Дostonда Шохпўлатнинг лашкари ичидан Девтошга тенг келадиган мард топилмайди. У қош қорайгунча якка жанг қилиб, тўрт минг беш юз кишининг калласини чопиб, Алибекка тавозе қилиб туради. Бу ботирни шаҳзода шундай муқофотлайди:

*«...Ана энди Алибек шаҳзода Девтошга бир инъом бермоқчи бўлди. Девтош ўзига берган сарпойни ўзи кўтара олмади. Отига берган жами асбоби тиллани оти кўтара олмади».*

Бу каби тақдирлаш анъанаси кўплаб туркий асарларда ҳам ўз аксини топган. «Қутадғу билик»да жангларда матонат, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган кишиларни муносиб тақдирлаш, уларга турли инъомлар бериш, олтин, қумуш ва моллар улашиш қоидаларига жиддий эътибор берилган.

Жанг чоғида рақибини енгган аскарга муқофот тарзида шароб тўла аёқ (қоса) тутилган, қўлга киритилган ўлжанинг катта бўлаги унга инъом қилинган. Шунингдек, қаҳрамонларча жон берган сафдоши жасадини жанг майдонидан олиб чиққан жангчиға унинг ашёлари совға қилинган ҳамда унинг мансаби оширилган.

Мисоллардан кўринадики, энг қутлуғ ва улуг байрам Ватан ҳимояси йўлидаги байрамдир. Чунки ботирлик ва ватанпарварлик ҳамма замонларда ҳам энг юқори мартаба саналган ва халқ орасида қизгин нишонланган. Тобора яқинлашиб келаётган 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни байрами ҳам аслида буюк аждодларимиз ва уларнинг мард авлодлари шаънини шарафловчи катта тантана. Буни юрак-кўзида ўт чақнаб турган ҳар бир юртдошларимиз чуқур англамоғи зарур!

**Катта лейтенант  
Бобур ЭЛМУРОДОВ,  
«Vatanparvar»**

# MEMORANDUM IMZOLANDI

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 16-fevraldagi tegishli qaroriga asosan, Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy institutida kiberxavfsizlik fakulteti tashkil qilingan edi. Bunga ko'ra, fakultet tarkibida tarmoq va axborot texnologiyalari bilan shug'ullanuvchi qator kafedralarga asos solingan hamda malakali mutaxassislar jalb etilgan.



Muallif suratga olgan



Hozirgi kunda mazkur institutda kadrlar tayyorlash jarayoni tizimli ravishda yo'lga qo'yilgan bo'lib, mashg'ulotlar izchil va tizimli ravishda olib borilmoqda. Jumladan, kiberhujum vektorlarini aniqlash, tarmoq va axborot tizimlarida zaifliklarni o'z vaqtida bartaraf etish, zararli dasturlarga qarshi kurashishning profilaktik usullarini ishlab chiqish, tahdidlar va ularning

manbalarini tezkor baholash qobiliyatini hisobga olgan holda asosiy e'tibor amaliy mashg'ulotlarga qaratilmoqda.

Mazkur yo'nalishdagi ta'lim sifatini yanada oshirish maqsadida ushbu sohada davlat siyosatini amalga oshiruvchi «Kiberxavfsizlik markazi» davlat unitar korxonasi hamda Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti o'rtasida hamkorlik memorandumi

imzolandi. Unda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirish, xususan, kiberxavfsizlik masalalari, harbiy institut kursantlari uchun talab qilinadigan bilim va ko'nikmalar olish uchun yetarli shart-sharoitlar yaratish, qo'shimcha ta'lim tashabbuslarini tashkil etish hamda qator ustuvor vazifalar belgilab olindi.

Shuningdek, Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa

harbiy instituti kiberxavfsizlik fakulteti o'quv-moddiy bazasidagi kiberxavfsizlik laboratoriyasining ochilish marosimi ham bo'lib o'tdi. Ushbu laboratoriya fakultet kursantlarini kiberxavfsizlik bo'yicha bilimlarini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

**Sherzod SHARIPOV,**  
«Vatanparvar»

## ✓ **SANA**

# АВИАЦИЯ ҲАРБИЙ ҚИСМИ

Чирчиқ шаҳридаги Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмларнинг бири ташкил этилган кун тантанали нишонланди. Унда Қуролли Кучлар фахрийлари, ёшлар, ҳарбий қисм шахсий таркиби ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

# 53 ЁШДА



Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳарбий қисм шарафли жанговар тарихга эга. Шахсий таркиб юсак ватанпарварлиги ва фидойилиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, 2000 йили Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларидан Ватанимиз сарҳадларига кириб келган экстремистик тўдаларни яқсон қилишда ҳам ҳарбий қисм шахсий таркиби қахрамонлик намунасини кўрсатган. Шунингдек, пандемия даврида мураккаб шароитларда муваффақиятли амалга оширилган парвозлар ҳам ҳарбий

қисм шахсий таркибининг ҳукумат томонидан юклатилган махсус топшириқларни юқори масъулият билан бажаришини яна бир бор кўрсатди.

Тадбир аввалида ана шундай шонли тарих яратилишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар муносиб тақдирланди. Сўзга чиққанлар ҳарбий қисм тайёрлаган маҳоратли учувчиларнинг миллий армиямиз ривожига қўшаётган ҳиссаси, «Устоз-шогирд» аънарасининг янги босқичга кўтарилаётгани ҳақида фикр билдирди.

Ҳарбийлик касбини улўғловчи, Ватан мадҳи тараннум этилган куй-қўшиқлар ҳарбий қисм ташкил топганининг 53 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирга яқун ясаб берди.

**P/S.** Хабар тугади. Аммо бир гапни айтмасак бўлмайди. Бу каби тадбирларни ўтказишдан олдин қай даражада тайёргарлик кўрилади, билмадик. Аммо даврани олиб бораётган, шахсий таркибни тақдирлаш ҳақидаги буйруқларни ўқиб эшиттиришга масъул бўлганларнинг масъулиятсизлиги сўзга

таклиф этилаётган меҳмонлар, тақдирланаётган қуролдошлар исм-фамилиясини ўқиё(лмаё)тганида яққол намоён бўлиб қолди. «Nurafshon» телевидениесидан келган мухбир дўстимиз таъбири билан айтганда эса: «Борди-ю, бу каби ҳолатлар «YouTube»га чиқиб кетса борми, армиянинг «юзи» қизаради».

**Катта лейтенант**  
**Исломжон ҚҶҶҚОРОВ,**  
«Vatanparvar»

# M UVAFFAQIYAT



**Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,**  
ЎзР ФА Абу Райҳон  
Беруний номидаги  
Шарқшунослик институти  
катта илмий ходими

## МУВАФФАҚИЯТ... БУ СЎЗ ЭНГ ЭЗГУ ДУОЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИДИР. УСИЗ ҲАТТО ДУОЛАР ҲАМ КЕМТИК. МУВАФФАҚИЯТ МАҚОМИГА ҚАНДАЙ ЕТИШ МУМКИН?

Бу мақом йўлидаги барча қийинчиликларни оралаб ўтган, сабр-бардош билан машаққатлар чеккан кимсанинг ютуғи ундан хабардор бўлган ҳар бир кимсани ҳатто миллат, юртни қувонтира олади. Агар шундай бўлмаса... у муваффақият эмас. Муваффақият ўзи нима?

Тарих саҳнаси театрникдан фарқ қилади. Унда воқеалар тугамайди. Кеча аждодларимиз иштирок этган воқеаларни бугун биз давом эттиряпмиз. Мирзо Улуғбек ёзади: «Кепакхон даврида бир кўр кампир бошига олтин тўла баркашни кўтариб машриқдан мағрибга йўл олса, манзилига еткунча бирор зўравон унга қўл чўза олмасди». Ёки Маҳмуд Ғазнавий замонида молдор бирор кимса молсиз киши олдида кўкрак кериб туролмасди. Соҳибқирон Амир Темур ютуқларининг ҳаммаси темир интизом, чексиз ҳокимиятга эга ё бир кунлик маошини тиланчилик билан топадиган кимсанинг ҳам қонун

олдида бирдек мақомдалиги эди. Бугунги кун кишиси шундай ҳолатларда аждодларимизнинг буюк муваффақиятларини кўради.

Барча замонларда жамиятда миллатнинг ҳақиқий муваффақиятини амалда аниқ кўрсатадиган табақа ҳарбийлардир. Чунки улар юрт, миллат ва давлат қўриқчиларидир. Оддий фуқаро ва ҳарбий хизматчининг ҳаёт тарзида агар заррача фарқ бўлмаса – буни миллатнинг ҳақиқий ва буюк муваффақияти, деса бўлади.

Интизом... муваффақият худди шу тупроқда кўкаради. Интизом мақсадлар, орзулар, эзгу ниятлар, эҳтиёжлар, ҳурмат ва иззат, қатъият, жасоратлар... жамиятнинг бир унсурга айланиши, миллатнинг битта жон ва танга эврилишидир. Қани, шундай қавми енга оласизми? Овора бўласиз! Уларни ҳеч бир замонда бирор душман енга олмаган. Аксинча ҳолларда тўрт юз минг қўшин эллик минг қўшин

олдида худди бўриларга таланган қўйлар суруви ҳолига тушган. Бундай мисолларга тарих тўлиб-тошиб ётибди.

Қонун ва интизом... Улар жамиятни гуллаб-яшнатадиган, мамлакатни тараққий эттирадиган, юртни ёвузликдан муҳофаза қиладиган қудрат. Уларга путур етган худуддан муваффақиятни қидириш бир беҳуда ишдир. Улардан ташқаридаги неки бўлса, қанчалик чиройли, карашмали кўринмасин... муваффақиятсизликдир.

Ўзлигини синаб кўриш учун юрт йигитлари кескин ва аёвсиз баҳсларда юзма-юз келадилар. Шахс дунёсида тартиб, қонун, интизом, садоқат, мардлик туйғулари шундай курашлар, баҳсларда тобланади ва... аста-секин тенгсиз қудратга айланади. Ҳақиқий муваффақият шу тарзда ҳосил бўлади.

Қалб ғолиблик супасида шундай муваффақиятларни кўришни истаиди...

Турон ҳарбийлари дунёнинг Миср, Бобил, Эрон, Чин каби кўҳна давлатлари қўшинларидан ҳам узоқроқ тарихни шон-шарафга тўлдирган жангчилардир. Кўплаб қадимий манбаларда улар барча замонларда энг ишончли ва қудратли қўшин бўлгани алоҳида урғу билан айтилади. Ўзбекистон ҳарбийлари уларнинг бутунги ворисларидир. Ватан ҳимоячилари кунги барчамизга қутлуг бўлсин!





# Оналарга мактуб ёзинг

Байрам яқинлашяпти.  
14 январь – Ватан  
ҳимоячилари куни,  
Қуролли Кучларимиз  
ташкил этилганининг  
шонли 31 йиллик  
байрами!  
Юртда байрамлар  
бисёр. Болалиқдаги  
байрамларга  
интиқлик ўрнини  
вазмин шукроналик  
ҳислари эгаллаган.  
Шундай бўлса-  
да, йилнинг икки  
байрами – Ватан  
ҳимоячилари куни  
ҳамда 27 июнь –  
Матбуот ва оммавий  
ахборот воситалари  
ходимлари кунининг  
ҳаяжонлари  
ўзгача. Тўғри,  
бу байрамларда  
давраларнинг тўрида  
ўтирган эмасман,  
алоҳида сийлову  
эътирофлар ҳам  
кўрганим йўқ, аммо  
булар менинг ҳам  
байрамларим! Ҳар  
сафар ортимга бир  
боқиб, оддийгина  
мухбирлик  
фаолиятимни  
сарҳисоб қилишга  
ундайдиган,  
унутилмас воқеалар  
ҳаяжонига қайта  
ошно қиладиган  
байрамларим!



## ЯХШИ ҲАМ БОРСИЗ!

Анчадан бери ижодий сафарларга  
чиққаним йўқ. Бунинг қойил-  
мақом қилиб урдалашяпти. 2022 йил  
ёзининг сўнгги кунларида Халқаро  
армия ўйинларидан «Дала ошхона-  
си» мусобақасини ёритиш мақсадида  
Жиззахда бўлдим. Нималар ёдимда  
қолди? Қаердаки райҳон бор, у ерда  
файз бор! Қуёш тикка кўтарилгани  
сари атрофни дасторгул ва райҳон  
ифорлари тутиб кетади. Митти ва ўта  
чаққон қушлар, озодалик, тупроқ ва  
ўт-ўланларнинг ёқимли ҳидлари. Ҳар  
томонда ҳарбий хизматчилар, бирор-  
тасини танимайсан, аммо ўзингни  
улар орасида бегона ҳам ҳис қил-  
майсан. Бари қадрли, бари муқаддас  
бурчини ўташ пешида.

Қоронғи тушиб қолгани учун мум-  
кин бўлмаган жойдан юраман. Қаер-  
дандир қаршингда бўйлари баланд,  
кўркама соқчилар пайдо бўлади ва  
мен юришим керак бўлган томонни  
кўрсатадилар. «Қандай қўрқинчли,  
қоронғи-ку, у томон», дейман ўзим-  
ни оқлаб. Аслида чарчаганим боис  
яқинроқ йўлдан юрсам дегандим.  
«Нимаси қўрқинчли, биз бор-ку?!»  
деган «лалми дўқ»ларидан кўнглим  
чароғон тортади, кўнглим тоғдек  
ўсади, чарчоғимни унутаман.

Азизлар, «биз бор-ку!» деган  
сўзлардан ҳам таъсирчанроқ, қалб-  
га яқини борми?! Яхши ҳам борсиз,

сизнинг борлигингиз қалбим хотир-  
жамлиги, юртим тинчлигидир!

## ШАРАФ ЙЎЛЛАРИ

Тўрт йилча аввал, айна киш  
чилласида юксак тоғлар бағридаги  
Бахмал қишлоғида бўлган эдим. 2000  
йил ёзининг сўнгги кунларида Ўзбе-  
кистоннинг жанубий сарҳадларига  
суқилиб кирган жангари тўдаларга  
қарши курашда қаҳрамонларча ҳа-  
лок бўлган ҳарбий хизматчиларга бу  
ерда ёдгорлик ўрнатилган. Ҳарбий  
қисмга кириш жойида, ичкаридаги  
майдонда ҳам ўрнатилган.

Нега ўша кунларни эсладим?  
Ўша қаҳрамон жангчиларнинг ота-  
оналари, фарзандлари, сафдошлар  
таклиф қилинган эди. Ҳарбий  
қисмга қарашли ҳудудда боғ барпо  
қилинган, ҳар бир қаҳрамонга атаб  
кўчатлар ўтқазилган. Киш чилласида  
кўчатлар ўтқазилиши сиз каби мени  
ҳам ҳайратга солган. Билим эгалари  
айтишича, бу вақтда уйқуда бўлган  
кўчат бошқа жойга кўчирилганини  
билмас экан. Баҳорда ҳеч нарса бўл-  
магандек уйғониб, барг ёзар экан!  
Ғаройиб бир ҳол! Бу боғда қаҳрамон  
жангчи Қаҳрамон Мадолимовнинг  
набираси бобосининг хотирасига  
экилаётган кўчатни бувииси Зухра-  
хоннинг ёнида туриб жажжи қўлла-  
рида тутиб турган эди...

Зухраҳон... Жасур жангчининг ма-  
тонатли, вафодор аёли, кўпдан Сиз  
билан кўришмадик. Бугун деб, эрта  
деб, ғанимат кунларни бой беряпман.

Ўша ерда шахидимиз Сайёр Сади-  
новнинг онаси билан кўришган эдим.  
Йиллар ўз ҳукмини ўтказаётган бўл-  
са-да, ҳамон гўзал, ўқтам бир аёл.  
Сухбатимиз Сайёр билан бошланиб,  
Сайёр билан тугайди. «Ўша даҳшат-  
ли кун айрилиқдан эсимни йўқотай  
дедим. Кўзларим гирён қидираман,  
ўғлимнинг ёнида ким бор эди, сўнгги  
нафасини олаётганида унинг бошини  
тутган меҳрибон бормиди, қани у,  
келсин, мен уни қўлларидан тутай...  
афсус, афсус, биров келмади, атроф  
тумонат одам, биров келмади...»

Ўтга яқинлашиб бўладими?! Бо-  
лам, деб бўзлаётган оташга яқинла-  
шиб бўлармиди?! Яқинлашиш керак  
экан, унга елка тутиш керак экан,  
кўз ёшлари селига йўл бериб... Ўша  
ўт-оташнинг ҳам бизга эҳтиёжи бор-  
лигини унутмайлик.

Кўпдан хизмат сафарига чиқма-  
дим. Катта Фарғона канали ҳақида  
эшитганимда, ўқиганимда олам  
яшилланаётган бир палла кўз ўнгимга  
келади. Кўкларда Катта Фарғона ка-  
налининг ёқалари жуда сўлим бўлар  
экан. Ҳордиқ чиқаришга бормаган  
эдим. Яна бир шахидимиз Маҳмуд  
Жалилов шу ерларда туғилиб ўсган.  
Акасининг айтишича, олий ҳарбий  
билим юртига ўқишга кириш учун  
жисмоний тайёргарликни анча эрта  
бошлаган, саҳарлаб канал ёқасида  
югурар экан. Бунинг эшитиб, канал-  
нинг ҳар икки томонини кузатаман.  
Ям-яшил тераклар, толлар орасида  
олдига улуғ мақсадлар қўйиб, елаёт-  
ган ёш йигитни кўргандек бўламан.  
Орзулар шу ердан бошланган.

У вояга етган кичиккина ҳовли.  
Муштдеккина бўлиб қолган онаси.  
«Уйимизни таъмирлашга ёрдам бе-  
ришмасмикан?..» Онанинг овозидаги  
бу оҳанг қулоқларимда қолди. Ваъ-  
далар берилди.

Бу сафарлар кўп оғир сафарлар  
эди. Қани эди, қаҳрамон оиласи,  
ота-онаси зиёратидан кейин оёғинг  
етган ерларда бир эзгу ишлар амал-  
га оҳса. Зиёратларига яна йўлинг  
тушса, масалан, Сирдарё туманига,  
Эломон Отажоновнинг ота-онаси зиё-  
ратига йўл олсанг-да, текис йўллар,  
обод кўчалардан баҳри-дилинг очил-  
са, буларнинг бари қаҳрамонимиз

хотирасига эҳтиромимиздан, деган  
эътирофлардан ғурур туйиб, бошинг  
айланиблар кетса!

2000 йилда жангари тўдаларга  
қарши курашда ҳалок бўлган жасур  
ўғлонларнинг қисқа ва ёрқин ҳаёт-  
лари шон-шараф йўллари, ибрат  
мактаби ўлароқ мангу яшашига  
ишонаман. Шундай бўлса-да, бор  
меҳримиз, эҳтиромимизни улар-  
ни туғиб вояга етказган оналари,  
оталари ҳаётлигида кўрсатайлик.  
Бугун ўша мўътабар инсонларнинг  
ҳаммаси ҳам орамизда эмас. Борла-  
ри ҳам кексайиб қолдилар. Шундай  
экан, бу ғанимат кунлар қадрига  
етиб, Ватан учун азиз жонини қур-  
бон қилган азиз шахидларимизнинг  
азизларига муҳаббатимизни амалда  
билдирайлик, бунинг элга кўз-кўз  
қилайлик, Ватан деган кам бўлмас-  
лигини, ҳаммаша ардоқда бўлишини  
шу тарзда бошқаларга ҳам англа-  
тайлик.

## ХАТЛАР...

Одамлар бир-бирига хат ёзмай  
қўйдилар. Нега хат ёзмайсиз, а,  
одамлар?! Инсоният кўп нарсалар  
ихтиро қилди. Шу қадар кўпки, ақ-  
линг бовар қилмайди. Улар орасида  
энг мукаммал ёзув ва хатлардир!

...2010 йил эди. Таҳририятга  
бир аёл келди, ёши 40-45 атрофи-  
да. Йигитлардан бири уни менинг  
олдимга олиб келди. Салом-алик.  
Таҳририятни жуда қийинчилик билан  
топганини сўзлади. Табиий, чунки  
ўша йиллари муқим бир жойда эмас  
эдик. Ўзини танитди. Ўғли муддатли  
ҳарбий хизматда экан. Икки кун ав-  
вал онанинг номига ҳарбий қисм кў-  
мондонлиги номидан миннатдорлик  
хати келибди. Табрикладим. Хатни  
узатди. Бир парча мактуб. Аммо анча  
намиқиб қолган.

– Сувга тушириб қўйдингизми?

– Йўқ, – аёл айбдорона жилмайди,  
– ҳали бағримга, ҳали юзимга босиб  
йиғлайверганимдан нам тортиб қо-  
либди. Ўғлим мени миттиликдан се-  
винтириб келади, ҳар доим ортидан  
раҳмат эшитдим, яхши сўз эшитдим,  
мен ҳам уни бир севинтирай, ўғлим  
ҳақида газетангизда ёзсангиз...

Оҳ, оналар, жонфидолар! Сизга  
яхши сўз олиб келадиган, раҳмат  
эшиттирадиган ўғиллар ҳақида ёзиш  
мен учун шараф!

Ўшанда аскар онаси менга ўғли-  
дан келган мактубларни кўрсатган  
эди. Бировнинг хати ҳақида гапи-  
риш одобдан эмас, уларнинг ҳар  
иккисининг изни билан ўқиганман  
бу хатларни. Уларда шу қадар куч-  
ли меҳр, ҳарорат мужассам эдики...  
Айримлари газетанда эълон қилинди.

Хатларда сеҳр бор! Бир неча йил  
муқаддам мудофаа вазири номидан  
миннатдорлик мактублари олган  
ота-оналар билан суҳбатлашган  
эдим. Ўша йили қор кўп тушган эди.  
Самарқанднинг тоғли қишлоқлари-  
дан бирида Раиля опа хонадонидан  
бўлганмиз. Мен унинг севинчдан  
чарақлаган кўзларини ҳеч унутма-  
дим. Бор-йўғи бир парчагина мактуб!  
Аммо қувончи дунёларга бергисиз.  
«Мен бу хатни ўқиб, осмонларга уч-  
дим!» деган эди Раиля опа.

Хатларга бугун эҳтиёж йўқ, деб  
ўйлайсизми? Адашасиз, ҳар доимги-  
дан ҳам кўпроқ эҳтиёж бор. Ишон-  
масангиз, оналарга мактуб ёзинг,  
улар тарбиялаган, шарафли йўлни  
танлаган жасур ўғил-қизлари учун  
миннатдор эканимизни англадиган  
мактублар ёзинг!

Зеро, Ватанга садоқатли ўғил-  
ларни оналар тарбиялайди, вояга  
етказади!

Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»



Keyingi yillarda harbiy xizmatchilar va ular oilalarining turmush darajasini yanada yaxshilash, ijtimoiy himoyasini mustahkamlash maqsadida talay ijobiy ishlar amalga oshirildi. Shunday islohotlar samarasi o'laroq harbiy shaharchalar qiyofasi o'zgarimoqda, obodonlashtirish, ko'kalamzorlashtirish ishlariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu borada Shimoli-g'arbiy harbiy okruga olib borilayotgan ishlar ham e'tirofga sazovor.



# YANGI UY QUVONCHI



Nukus garnizonida joylashgan harbiy shaharchadagi 2 ta to'rt qavatli, jami 32 ta xizmat xonadonidan iborat bo'lgan xizmat uylari kapital ta'mirdan chiqarilib, foydalanishga topshirildi. Tantanali tadbirida Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondoni polkovnik Farhodjon Shermatov, harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari ishtirok etdi.

Zamonaviy uslubda ta'mirlangan, shinam bu xonadonlarga kirgan kishining ko'ngli yorishadi. Uy sohibi va sohibalarining quvonchini ta'riflashga so'z ojiz. Bolajonlarning shodligi ham ota-onasidan qolishmaydi. Bundayin shodu xurramlikni ko'rib, tinchligimizga kamarbasta bo'layotgan harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari har doim davlatimiz e'tiborida

ekanligidan ko'nglimiz faxr-iftixorga to'ladi.

Marosimdan so'ng mehmonlar harbiy xizmatchilarning xonadonlarida bo'lib, u yerdagi shart-sharoitlar bilan yaqindan tanishdi, bir piyola choy ustida samimiy suhbat qurilib, ezgu tilaklar bildirildi.

Ishonchimiz komilki, bugun shunday shinam va chiroyli uyda istiqomat qilayotgan harbiy

xizmatchilarimiz bunday e'tibor va g'amxo'rlikdan yanada ruhlanib, shijoat-la xizmatlarini davom ettirishadi. Bu xonadonlarda o'sib-ulg'ayayotgan yosh avlod esa kelajakda yurtimizning obod bo'lishi, gullab-yashnashiga, uning ravnaqiga munosib hissa qo'shadigan komil insonlar bo'lib shakllanishadi.

## XAYRIYA

# HECH KIM MEHR VA E'TIBORDAN CHETDA EMAS



Davlatimiz rahbarining "O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yilligini hamda Vatan himoyachilari kunini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoyishiga asosan, "Milliy armiyamiz – Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqoni!" shiori ostida yurtimiz bo'ylab o'tkazilayotgan "Vatanparvarlik oyligi" doirasida harbiy xizmatchilar saxovat va ko'mak tadbirlarini amalga oshirmoqda.

Jumladan, Shimoli-g'arbiy harbiy okrug Nukus garnizonidagi harbiy qismlarning tashabbuskor harbiy xizmatchilari "Hech kim mehr va e'tibordan chetda qolmaydi!" nomli xayriya tadbiri doirasida shahardagi "Tinishliq", "Jana bazar" hamda "Bestobe" mahallasida istiqomat qilayotgan mehr va e'tiborga muhtoj, ijtimoiy ahvoli og'ir bo'lgan 22 ta xonadonga birlamchi oziq-ovqat

mahsulotlarini tarqatdi. Bu oilalarda kamolga yetayotgan bolajonlarga Yangi yil quvonchini ulashish maqsadida esa bayram sovg'alarini taqdim etishdi.

"Xalq va armiya – bir tanu bir jon" degan ezgu g'oyaning amaliy ifodasini namoyon etgan ushbu xayriya tadbirida harbiy xizmatchilar bilan birga Nukus harbiy prokuraturasi vakillari ham faol ishtirok etishdi.

# БОЛАЛИКДАГИ ОРЗУМГА ЕТДИМ



Бугун биз ички дунёсига назар ташламоқчи бўлган ҳарбий аёл, контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Виктория Морозова. Уни таниган барча ҳамкасблари самимийлиги ва камтарлигини бот-бот таъкидлашади. Ҳали ёш бўлишига қарамай, эришган ютуқлари талайгина. Сўнгги йилларда Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилаётган барча мусобақаларда унинг иштирокини кузатиш мумкин. Ўзига бўлган ишонч, қатъият ва темир интизом Викторияни чўққилар сари етакламоқда. Ундаги шакланган кўникма ва тобланаётган ироданинг аслини билиш учун сўзларига қулоқ тутамиз.

## БОЛАЛИК

2000 йилнинг 3 февраль куни Чирчиқ шаҳрида туғилганман. Ота-онам менинг бўш вақтимни зое кетказмаслик учун спорт тўғрисида қатнаштирган. Шу сабаб болалигимдан спортга меҳр қўйдим. Гимнастика билан 4 йил машғулотлар олиб борганимдан кейин мактабдан доимий равишда мусобақаларга жалб этишарди. Мен учун спорт бу – ҳаёт-мамонт масаласи. Олтинчи синфда ўқиб юрган кезларим энгил атлетикада ҳам ўзимни синаб кўришимни таклиф этишди. Шундан буён доимий равишда спортнинг ушбу тури билан шуғулланиб келяпман.

## ОРЗУ

Болалигимдаги орзум иккита бўлган. Биринчиси олимпиа ўйинларида иштирок этиб, ғолиб бўлиш бўлса, иккинчиси ҳарбий хизматчи сифатида Ватанимга хизмат қилиш эди. Шукрлар бўлсинки, орзуларимнинг биттасига етишиб, ҳарбий либосни кийдим. Аммо, умид қиламанки, иккинчи орзум ҳам амалга ошиб, Олимпиада чемпиони бўламан. Бунинг учун менда ишонч, қатъият ва куч етарли.

## ҲАРБИЙЛИККА ИЛК ҚАДАМ

Аслида Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган мусобақаларда мунтазам иштирок этиб келардим. Айримларида ғолибликни ҳам қўлга киритганман. 2021 йилнинг ноябрь ойида Армия ўйинларининг «Содиқ дўст» йўналиши бўйича машғулотларда ўзимни синаб кўришимни таклиф этишди. Мен эса ҳеч иккиланмасдан рози бўлдим. Машғулотлар жараёни

менда жуда катта таассурот қолдирди. Аммо Армия ўйинларининг қоидасига кўра, фақат ҳарбий хизматчиларгина бундай нуфузли мусобақада иштирок этишлари мумкин экан. Шундай қилиб спортга ва ҳарбий либосга бўлган интилиш менга тинчлик бермади. 2022 йилда тўлақонли ҳарбий хизматчи бўлиб, ҳарбий қисмда алоқачи сифатида фаолиятимни бошладим.

## КАСБ МАШАҚАТЛАРИ

Тўғриси айтганда, ҳарбий хизмат мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Кўникишим қийин кечди. Чунки бизнинг оилада ҳарбийлар бўлмаган. Фуқаролик ҳаёти билан ҳарбийларнинг ҳаёти анча фарқли экан. Менинг ўз ишимга кўникиб кетишимда жамоа анча ёрдам берди. Доимий спорт билан шуғулланишим ва қатъий тартиб-интизомга таянишим менга анча асқатди. Бор куч-ғайратим билан айта оламанки, менга билдирилган ишонччи оқлайман.

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ВА ОИЛА

Ҳарбий хизматчи бўлишдан олдин турмушга чиққанман. Ҳозирда битта қизимиз бор. Ҳарбий хизматчи бўлишга таклиф этишганида турмуш ўртоғим ва оилам мени қўллаб-қувватлади. Бу ёғига ҳам ҳар қандай вазиятда таянч бўлишга қодир. Оилам бу – мен суянадиган даргоҳ. Улардан куч олиб, ҳар қандай чўққини забт этишим мумкин.

## СПОРТ ТУРИНИНГ ЁМОНИ ЙЎҚ

Одатда жуда кўпчилик саломатлиги учун спорт билан шуғулланади. Менда эса бош-

қачароқ, ҳаётимнинг мазмуни десам ҳам бўлади. Спортсиз бирор кунимни тасаввур қилолмайман. Шу кунгача эришган ютуқларим билан биргаликда, ютказганларим ҳам талайгина. Мудофаа вазирлиги миқёсида ва халқаро мусобақаларда биатлон, ўқ отиш ва марафонларда қатнашиб, юқори натижаларни забт эта олдим. Аммо ғолиблик бор экан, мағлубият ҳам бўлиши муқаррар. Айтишадик-ку, мағлуб бўлмасдан, ғолиб бўлмайсан, деб.

## КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Кўчада ҳарбий либос билан юрганимда, аксарият инсонлар менга ҳавас кўзи билан қарайди. Танишларимнинг ҳам кўпчилиги касбимни ҳурмат қилади. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг сенга ҳавас кўзи билан қараб турганлигини ҳис қилишдек бахт бўлмаса керак. Бу касбга қадам қўйганимга кўп вақт бўлмаган бўлсада, ўзимни ҳарбийлик соҳасида кўра бошладим. Болаликдаги орзумга етишганимдан жуда хурсандман ва касбимдан ғурурланаман. Ҳарбийлик менга ўзимга бўлган ишонччи, сабрни ва қайта оёққа туришни ўргатди. Ҳарбий либосни кийганлигимдан ҳеч қачон афсусланмайман. Аксинча, Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий аёлларга берилаётган эътибордан мамнунман. Тизимда фаолият юритаётган минглаб аёлларнинг бири сифатида айтаманки, юртимиз мудофааси учун бор куч-ғайратимни аямайман. Шу юртда туғилиб ўсанлигимдан фахрланаман.

Шерзод ШАРИПОВ,  
«Vatanparvar»

## ЎТУҚЛАРИ

2013 йил – 100-200 метрга югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони.

2014 йил – 800 метрга югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони.

2015 йил – биатлон бўйича 1-2-ўрин.

2016 йил – Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро мусобақада 800 метрга югуриш бўйича 3-ўрин.

2017 йил – Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказилган марафонда 5 км масофага югуриш бўйича 1-ўрин, 10 км масофада 2-ўрин.

2018 йил – Самарқандда бўлиб ўтган 21 км 97.5 метр масофада 2-ўрин.

2019 йил – биатлон бўйича Ўзбекистон чемпионатида 1-ўрин.

2022 йил – Халқаро армия ўйинларининг «Содиқ дўст» йўналишида 1-ўрин.

2022 йил – октябрь ойида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган «Тўмарис издошлари» кўрик-танлови ғолиби.

2022 йил – ноябрда Ўзбекистон Республикаси куч тузилмаларида фаолият юритаётган ҳарбий хизматчи аёллар ўртасидаги «Тўмарис издошлари» кўрик-танловида 1-ўрин.

2022 йил – декабрда Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган «Мен ғолиб» мусобақасининг «Тинчлик жангчиси» йўналишида 1-ўрин.



# МАЛАКАЛИ ОФИЦЕР КАДРЛАР – ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси негизда ташкил этилган Чегара қўшинлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетининг тажрибали, жонкуяр профессор-ўқитувчилари томонидан Чегара қўшинларини юқори салоҳиятли, стратегик фикрлайдиган, ватанпарвар, юртга садоқатли, сарҳадларимиз дахлсизлигини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёш офицер кадрлар билан бутлаш ишлари самарали амалга ошириб келинмоқда.



Факультетда Чегара қўшинлари оператив-тактик, тактик бошқарув бўғини, муҳандислик таъминоти ва радиацион, кимёвий, биологик ҳимоя ҳамда моддий таъминот каби бир неча муҳим йўналишлар бўйича офицер кадрлар қайта тайёрланиб, малакаси оширилмоқда.

Курсантлар замонавий таълим стандартлари асосида назарий билим олиш билан бирга, мунтазам равишда ташкил этиладиган амалий машғулотлар жараёнида эгаллаган билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш имконига ҳам эга бўлмоқдалар.

Мазкур факультетда Чегара қўшинлари «Оператив-тактик ва тактик

бошқарув бўғини» офицерларини 3 ойлик қайта тайёрлаш ва 1 ойлик малака ошириш ўқув курсларини тамомлаган тингловчиларга сертификатларни топшириш маросими тантанали тарзда ўтди.

Тадбирда академия раҳбарияти ва ДХХ Чегара қўшинлари қўмондонлиги масъул офицерлари иштирок этиб, битирувчиларни эришилган муваффақият билан кутладилар. Ўқув курслари давомида эгаллаган билим ва кўникмалари келгуси фаолиятларида кўмак бериб, жанговар-хизмат фаолиятини самарали ташкиллаштиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

– Бугун кенг билим ва тафаккурга эга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга ошириладиган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қодир бўлган ҳарбий офицер кадрлар миллий армиямизнинг мустаҳкам таянчи ҳисобланади, – дейди кафедра доценти полковник Х. Хаитов. – Айни шу маънода, малака ошириш курслари давомида кўп йиллик тажрибага эга, малакали офицерлар томонидан ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Ўз навбатида, тингловчиларимизнинг ҳам интилувчан ва тиришқоқлиги, янгиликларга ташна экани ва кенг дунёқарашга эгаллиги кўзга яққол ташланиб турди. Улар минтақамиздаги геосиёсий вазият ҳамда дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни яхши билишади ва энг муҳими, ушбу воқеликларни таҳлил қила олишади.

Албатта, мазкур ўқув курслари давомида олинган билимлар сарҳадларимиз посбонларининг соҳа бўйича тажриба ва малакаларини янада оширишга хизмат қилади.

**Майор Фарида БОБОЖОНОВА**  
 ДХХ Чегара қўшинлари

## ✓ KO'RGAZMALI MASHG'ULOT

### ЯКУНЛАНГАН ЙИЛ САРҲИСОБИ

**Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги Термиз гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбий комендатура томонидан кўргазмали тактик-ўқув машғулоти ўтказилди.**

Унда Термиз гарнизони ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар командирлари ва муассаса бошлиқларининг ўринбосарлари ҳамда ҳарбий қисм штаб бошлиқларининг ҳарбий хизмат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Дастлаб йиғин иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, режага асосан ташкил этилган ўқув нуқталари билан яқиндан танишдилар.

Ўқув раҳбарлари томонидан ҳарбий қисм шахсий таркиби жойлашган объектларни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш, қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларни сақлаб қолиш бўйича берилган кўрсатмалар йиғин иштирокчилари томонидан муваффақиятли бажарилди. Шунингдек, қоровул, гарнизон навбатчи бўлинмаларининг амалий ҳаракатланишини такомиллаштириш, шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлаш, уларда масъулият ҳиссини янада ошириш бўйича кўргазмали машғулотлар ташкил этилди.

Яқунда Термиз гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмларда қўшинлар хизматини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди.

**III даражали сержант Акбар АҲМЕДОВ**  
 Термиз гарнизони

## ✓ E'ZOZ VA ENTIROM

### ИБРАТЛИ ЙЎҚЛОВЛАР

Мудофаа вазирлигига қарашли Навоий шаҳридаги ҳарбий қисм тарғибот гуруҳи томонидан «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида «Эъзоз ва эҳтиром» мавзусида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, фронт орти меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ёшлар иштирокида «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси «Ветеран» жангчи фахрийлар бирлашмаси Навоий вилояти бўлими раиси ўринбосари, Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги Чақирилувчиларни ҳарбий техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш маркази курсантлари ҳамда ҳарбий қисм муддатли ҳарбий хизматчилари ва имконияти чекланган ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Ёшларда шукроналик ҳиссини уйғотиш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида давра суҳбати таш-

кил қилинди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Тадбир сўнггида ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Шунингдек, Навоий шаҳрида яшовчи 99 ёшни қарши олган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Норбой ота Казаковнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

**Капитан Аҳроржон САФРАЛИЕВ**

# Shunchaki yashamaydigan inson

**S**arhadlarimiz daxlsizligini ta'minlash, turli tajovuzlardan himoya qilish har kimning ham qo'lidan kelavermaydi. Bunday mas'uliyatli vazifani bajarayotgan kishilar chinakam vatanparvar insonlardir. Qahramonimiz podpolkovnik Alijon Shodiyev ana shunday fidoyilardan biri.

Ota kasbini davom ettirishga astoydil ahd qilgan Alijon Toshkent oliy umumqo'shin qo'mondonlik bilim yurtida tahsil oldi. So'ngra harbiy qismlardan birida qo'riqlash vzvodi komandirining o'rinbosari lavozimida xizmat faoliyatini boshladi. Qat'iy tartib-intizomni o'zining kundalik turmush tarziga aylantirgan leytenant Alijon Shodiyev sidqidildan xizmat qilardi. Askarlarning jangovar shayligini, ma'naviy-ma'rifiy saviyasini oshirishga alohida e'tibor qaratdi. Ayniqsa, vzvod harbiy xizmatchilari tomonidan qo'riqlanayotgan obyektlar xavfsizligini ta'minlash, belgilangan hududlarda jamoat tartibini saqlash vazifalarini qat'iy nazoratga oldi.

Shu tarzda vzvod komandiri, shtab katta ofitseri, shtab boshlig'ining o'rinbosari kabi vazifalarda o'zining bilim va mahoratini harbiy sohani rivojlantirishga, jangovar salohiyatni yuksaltirishga sarfladi. Podpolkovnik Alijon Shodiyev Termiz, Nukus garnizonlarida rahbarlik lavozimlarida

samarali xizmat qildi. Xalqaro aeroportlarni qo'riqlash hamda mudofaa qilish, obyektlarda jamoat tartibi va xavfsizlikni ta'minlashdek muhim vazifalarni hushyorlik bilan amalga oshirishda munosib hissasini qo'shdi.

– Vatan tinchligini ta'minlashdek sharaflil kasb egasi hayotda shunchaki yashamaydi, – deydi batalyon komandirining o'rinbosari podpolkovnik Jur'at Otajonov. – U o'tayotgan har bir kunidan samarali foydalanishga, ijobiy natijalarni qo'lga kiritishga intiladi. Hayotda Vatanni himoya qilish, uni ko'z qorachig'idek asrash naqadar muqaddas burch ekanligini dildan his qiladi. O'ziga xos tajriba va malakaga ega bo'lgan Alijon Shodiyev ham 21 yildirki ana shunday ezgu maqsadlar bilan xizmat qilyapti.

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 30 yilligi hamda Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan yurtimiz tinchligi,

sarhadlarimiz daxlsizligini ta'minlash, xizmat burchini bajarish chog'idagi mardligi hamda fidoyiligi uchun Xalqaro aeroportlarda xavfsizlikni ta'minlash qo'shinlari Urganch alohida batalyoni komandiri podpolkovnik Alijon Shodiyev Prezidentimiz farmoniga muvofiq, "Shuhrat" medali bilan mukofotlandi.

– Ona yurt, muqaddas zamin osoyishtaligini ta'minlash har bir fuqaroning sharaflil burchidir, – deydi podpolkovnik Alijon Shodiyev. – Mening ham zimmamga ana shunday g'oyat mas'uliyatli vazifa yuklatilgan ekan, uni sharaf bilan bajarishga, xalqimni har qanday tajovuzlardan himoya qilishga, bu yo'lda bor kuchimni, mahoratimni sarflashga tayyorman.

Qalbida Vatan mehri jo'sh urgan, o'zini shu osuda zaminning munosib farzandi, deb bilgan qahramonimiz bilan har qancha faxrlansak arziydi.

**Xudoybergan JABBOROV**  
*Xorazm viloyati*

**TAKLIF**

## Chopon, do'ppi va pasport

**O**na farzandini xorijga yuboryapti. Uning yo'lxaltasiga patir, holva, devzira guruch joyladi. Keyin esa o'g'li tayinlagandek qilib, to'n, do'ppilarni taxlab soldi. Ishdan qaytgach, uyda o'tirganda kiyadi, deya xayolidan o'tkazdi u. Xontaxta ustida turgan bir buklam qog'oz va yangi pasportga ko'zi tushib, ko'ngli allanechuk bo'lib ketdi. Uni olib, sekin varaqladi. "O'zbekiston Respublikasi", "pasport", deya sekin o'qidi. Ichidagi o'g'lining suvratiga ko'zi tushdi. Rasmning yuzlarini siladi.

Qora sochlari o'ziga yarashgan. Shu tobda shunchaki jonsiz qog'oz – pasport va o'g'li o'rtasida o'zaro qandaydir hayotiy bog'liqlik borligini his qildi. Xuddi o'zi va o'g'li, mana shu yaydoq qishloq, samimiy odamlar o'rtasidagi bog'liqlik singari. Ko'zlaridan yosh yumaladi. Shartta yoshini artib, atrofga alangladi. Hech kim yo'q, xayriyat. Pasportni avaylab yopib, uni yo'lxaltadagi buyumlarning eng ustiga, olishga qulay qilib qo'ydi. Shu tobda pasport o'g'li singari uning uchun nihoyatda aziz edi. Boisi pasport o'g'li taqdirining guvohi, hayot yo'li darvozalarining kaliti ekanini yaxshi anglab turardi.

**VATAN NOMI BITILGAN  
 HUJJAT**

Sirdaryo viloyati IIB migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish boshqarmasining ma'lumotlariga qaraganda, joriy yilning olti oyi davomida qariyb 35 mingta xorijga chiqish biometrik pasporti rasmiylashtirib berilgan.

Sirdaryo viloyati tuman-shahar IIB tarkibidagi migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish bo'limlarida har bir shaxsning biometrik ma'lumotlarini olish bo'yicha barcha shart-sharoitlar yaratilgan. Zamonaviy barmoq izlari skaneri, fotouskunalar, zamonaviy kompyuterlar ma'lumotlarni yuqori aniqlikda qayd etish imkoniga ega. Biometrik va shaxs to'g'risidagi boshqa ma'lumotlar Respublika personallashtirish markaziga uzatilmoqda. Shundan keyin esa bir necha kun ichida biometrik pasport rasmiylashtirib berilyapti.

**O'N YETTI MING DONA  
 ID KARTA**

2022-yilning dastlabki olti oyi davomida 17 ming nafar fuqaroga

shaxsni tasdiqlovchi zamonaviy kartalar tarqatilgan. Aksariyat hollarda ID kartalarni bir ish kunidayoq berilishiga erishilgan. Bunga qanday muvaffaq bo'linmoqda? Buning uchun uchta holatga katta e'tibor qaratildi. Birinchisi, har bir tuman-shahar M va FR bo'limlarining barchasiga eng zamonaviy jihozlar o'rnatildi. Yevropa axborot texnologiyalari gigantlarining yuqori pikseli kameralari, barmoq izi skanerlari, ma'lumotni yuqori aniqlikda uzatish imkonini beruvchi optik tolali aloqa kabellari, eng so'nggi kompyuterlar o'rnatilgani buning yaqqol isbotidir.

**O'ZBEKISTON FUQAROSI  
 BO'LISH – BAXTI!**

O'zbekiston Respublikasi fuqaroligini olish ancha yillardan beri o'ta murakkab masalalardan edi. Lekin mamlakatimiz Prezidentining tashabbusi bilan ushbu masalaga ham yechim topildi. Joriy yilning o'zida Sirdaryo viloyatida 26 nafar fuqaroligi bo'lmagan shaxs serquyosh yurtimizning baxtli insonlari safiga qo'shildi. Umuman esa keyingi yillarda viloyat bo'yicha 506 nafar fuqaroligi bo'lmagan shaxs ariza topshirgan bo'lsa, ularning 449 nafariga O'zbekiston Respublikasi fuqarosi maqomi berildi. Ular orasida Boyovut tumanida istiqomat qiluvchi Sayyora Berdiqulova va uning oilasi ham bor. Ular 1997-yili O'zbekiston Respublikasiga ko'chib kelgan. Qariyb 25 yildirki, fuqarolikka ega bo'lmagan shaxs sifatida yashagan.

– Menga ichki ishlar bo'limiga kelib, fuqarolik hujjatini olib ketishimni aytishganida o'zimni yo'qotib qo'ydim, – deydi Sayyora Berdiqulova. – Bu



kunlarni 25 yil kutdim. Chorak asr Tojikistonga borib kelish, ovoz berish, saylash-saylanish kabi ayrim huquqlarga ega bo'lmadim. Mana, shukrki, hammasi joyiga tushib, O'zbekiston fuqaroligini olish nasib etdi. Bugun mendan baxtli odam yo'q.

Bunday fikrlar har bir yurtdoshimizning qalbida yuksak faxr tuyg'usini uyg'otishiga shubha yo'q. Shu o'rinda bir mulohaza tug'iladi. Askar xizmatni boshlar ekan, sodiqlikka qasamyod qiladi. Shifokor kasbiga kirishar ekan, sidqidildan davolashga ont ichadi. Lekin nega har bir insonga fuqarolik pasporti yoki ID kartasi berilar ekan, "Men mana shu yurtning fuqarosi bo'lar ekanman, ajdodlarimizdan meros ulug' qadriyatlarimizga sodiq qolishga, Vatanimiz kelajagi uchun kurashishga, halol bo'lishga, qonunlarga muvofiq yashashga so'z beraman", deya ont ichmaydi?! Shu orqali har bir o'g'il-qiz O'zbekiston degan jannatmonand yurtning fuqarosi bo'lish naqadar ulug' sharaf ekanini chuqurroq anglab yetardi.

**Abdurahmon MUSTAFOQULOV,**  
 jurnalist

МУСА ЖАЛИЛ



## Ишонма

Сенга мендан хабар берсалар,  
 «У йиқилди чарчаб», десалар,  
 Йўқ, ишонма, бағрим!  
 Бу сўзни –  
 Дўстлар айтмас, яқин кўрсалар.  
 Байроғимга қон билан ёзган  
 Онгим ундар олға боришга!  
 Ҳаққим борми ҳеч қоқилишга,  
 Ҳаққим борми чарчаб-ҳоришга?  
 Сенга мендан хабар берсалар,  
 «У Ватанни сотди», десалар,  
 Йўқ, ишонма, бағрим!  
 Бу сўзни –  
 Дўстлар айтмас, мени севсалар.  
 Юртдан кетдим юртни, сени деб,  
 Мен курашдим қонли ҳар дамда.  
 Юртни, сени қўлимдан берсам,  
 Нима қолар менга оламда?  
 Сенга мендан хабар берсалар,  
 «Муса ўлди энди», десалар.  
 Йўқ, ишонма, бағрим!  
 Бу сўзни –  
 Дўстлар айтмас, мени севсалар.  
 Тупроқ кўмар танни, кўмолмас  
 Ўтли қўшиқ тўлган кўнглимни,  
 «Ўлим» дейиш мумкинми ахир,  
 Енгиб ўлган бундай ўлимни?



РАВШАН ФАЙЗ

## Эй Ватан

Дунё деганлари бунчалар кенг-а,  
 Мен яшай билмадим кўнглимни енга:  
 Кетар бўлсам доим, эй Ватан, сенга  
 Тўйсам ўзим тўйдим, кўзим тўймади.

Қачонки йўл мени забтига олди,  
 Хотир, хаёлларим толиқди, толди  
 Ва мудом кўзларим ортимда қолди,  
 Тўйсам ўзим тўйдим, кўзим тўймади.

Соғинч мени қай кун ел этди яна,  
 Орзу-армонингга эл этди яна,  
 Кўзимнинг ёшини сел этди яна:  
 Тўйсам ўзим тўйдим, кўзим тўймади.

## Дунё деганлари бунчалар кенг-а...

ХУРШИДА ДАВРОН



## Ватан

Дилингизда бўлсин қувончи ғами,  
 Китобларда эмас, қоғозда эмас.  
 Бўзда яшайсизми, Бухородами,  
 Сиз билан баробар у олсин нафас.

Болангизни белаб кўйинг туш пайти,  
 Толлар беланчакни учирсин кўкка.  
 Аммо сиз бошида аллалар айтинг,  
 Ватан туйғусини солинг юракка.

Айтинг, далаларда эгилган лаҳза,  
 Айтинг, кўёш қонга ботиб ётганда.  
 Айтинг, қувончу ғам солганда ларза,  
 Айтинг, оқ кўйлакли тонглар отганда.

Жанозада йиғлаб аллалар айтинг,  
 Айтинг, шуурлару курашлар аро.  
 Токи қалбимизда жўш урган туйғу  
 Фарзандлар қалбида берсин акс-садо.

Она Тўмариснинг шонли қисмати,  
 Жалолиддин тиғи таратган жаранг,  
 Бизнинг юраккача, балки, етмасди,  
 Бўлмаганда, халқим, алланг – хотиранг.

Беруний юлдузи, Сино қаҳқашони  
 Фалақдан йўлимиз ёритиб боқсин.  
 Маҳмуд Торобийнинг муқаддас қони  
 Фарзандлар қалбида жўш уриб оқсин.

Ҳазрат Соҳибқирон тузукларидан  
 Кўчиб, фикрларни ёритсин сурур,  
 Дилларни чароғон этсин Навоий  
 Қалами таратган ҳикматли шуур.

Мирзо Улуғбекнинг расадин тоқи,  
 Юрган йўлимизга нурлар тўшасин,  
 Ватан деб жон берган ҳар ботир хоки  
 Дилда нафас олсин, дилда яшасин.

Ватан – юракдаги қувонч, қайғу, шашт,  
 Уни тирик сақлар юракдаги сас.  
 Ватан – бамисоли кўёшга ўхшаш,  
 Ватан ҳам одамдек олади нафас.

УСМОН АЗИМ



## Катта лейтенант У. Азимовнинг аскарларига сабоғи

Бир, икки...  
 Тўхтаг! Дарсни бошлаймиз.  
 Кеча ўтган эдик югуриб жанг қилишни,  
 аммо мудом «ура!» деб югура олмаймиз.  
 Аҳвол танг бўлганда  
 эмаклаш, ҳа шарт.

Эмаклаш ҳақида бугунги сабоқ:  
 Ғанимнинг ғазабдан  
 титраган пулемёти,  
 майсаларни ўроқдай  
 қийрата кетса,  
 мардонавор керилган кўкрагимизни  
 олис ғалабанинг ширин ҳаволаридан  
 тўлдириб-тўлдириб  
 нафас олгани,  
 ерга йиқиламиз,  
 эмаклай бошлаймиз...  
 Ахир ғалабани она Ватанга  
 тириклар келтиради,  
 ўликлар эмас,  
 Тирсакни аяманг,  
 тиззани аяманг,  
 кийимни аяманг!  
 Эмакланг!  
 Олға!  
 Хўш, саволлар борми?  
 Сўз сизга, сержант.  
 Нега мен сиз билан эмакламадим?  
 Менга эмаклашдан кўп сабоқ беришган,  
 аммо уддасидан чиқа олмадим...  
 Хуллас, ихтиёрингиз...  
 Маслаҳатим шу:  
 ўзингизга раҳмингиз келсин!  
 Бошингизни аяманг!  
 Юракни аяманг!  
 Умрни аяманг!  
 Ғалабани ўликлар эмас,  
 тириклар келтиради  
 она Ватанга...

Ҳаққим борми  
 чарчаб-ҳоришга?

# ИСКАНДАР ВА СПИТАМЕН ҲАҚИДА



## Мароқанд яқинидаги жанг

Искандарнинг Мароқанд қалъасида қолдирган македон бўлинмаси Спитамен бошчилигидаги аскарларнинг ҳужумини қайтариш учун қалъадан чиқиб, унча-мунча маҳаллийни ўлдириб, ўзи талафот кўрмай яна қалъага қайтганди. Спитамен эса Искандардан келаётган ёрдамнинг Мароқандга яқинлашганини билиб, қамални тўхтатди-да Сўғдиёнанинг пойтахтига (*эҳтимол Панжакентдир*) чекинди. Фарнук ва бошқа саркардалар уни умуман Сўғдиёнадан чиқариб юборишга уриндилар ва чегарагача таъқиб қилдилар. Кутилмаганда

қаршиларидан кўчманчи скифлар чиқибди. Спитамен улардан 600 кишини ўзига қўшиб олиб, Искандарнинг келишини кутишга қарор қилди...

Мароқанд яқинида (*Зарафшон бўйларида*) македонлар ҳар томондан исканжага олинди, унча катта бўлмаган оролга қочиб ўтишди. Бу ерда уларни скифлар ва Спитамен отличлари қуршаб олиб, ўққа тутиб, жуда озгинасини банди қилиб, қолган барини ўлдиришди.

Арриан. *Искандар юришларининг тарихи*

## Рўпарадан, ордан ва ўнгу сўлдан ҳужум

Шоҳ Бақтриянинг ажралиб кетишига сабабчи бўлган Спитаменга қарши Менадемини юборди. Спитамен ўрмон ичидаги пистирмага дайларни тўплади. Улар отда икки кишидан мингашишар, отларининг тезлиги эса одамларининг маккорлигига тенг эди. Спитамен ўрмонни

ўраб олишни, сўнг – рўпарадан, ордан ва ўнгу сўл қанотлардан бирдан ҳужум қилишни буюрди. Ҳар томондан ўраб олинган Менадем жуда узоқ уришди... Лекин (барибир, ниҳоят) жонсиз йиқилди... Сўқишувда 2000 пиёда, 300 отлик ҳалок бўлди.

## Искандар ҳузуридаги элчилар

Искандар (*Сирдарёдан*) отлик билан фалангаларни солларда олиб ўтишга қарор қилди. Енгил қуролли аскарларига мешларда сузиб ўтишни буюрди. 12 000 кишини уч кунда олиб ўта оладиган солларни жуда тезликда боғлаб тайёрладилар. Кечувга ҳамма нарса тайёр бўлганда, скифларнинг 20 кишидан иборат элчилари қабиланинг одати бўйича араваларида келиб, шахсан подшога гаплари борлигини айтишди.

(*Скиф элчиларининг гапидан*):  
– Мидия, Сурия, Эронни эгалладинг. Бақтрияликларни бўйсундирдинг. Энди очкўз ва тўймас қўлларингни бизнинг мол-жонимиз томон чўзаяпсан. Бақтрия атрофида шунча овора

бўлиб юрганинг сенга таъсир қилмадимми? Уни қайтариб оламан дегунингча сўғдлар яна уруш бошлади. Ғалабаларингдан сенга янги урушлар туғилмоқда... Танаиддан ўтадиган бўлсанг скифларнинг нечоғли буюк майдонга тарқалганини, уларга ҳеч қачон ета олмаслигингни билиб оласан. Бизнинг камбағаллигимиз сенинг аскарларинг тезлигидан анча илдамроқдир.

Бизнинг тимсолимизда сен Осиё ва Европанинг қўриқчиларини кўриб турибсан... Бизни душман сифатида кўрмоқчимсан ёки дўст сифатида, ўйлаб кўр?

Квинт Курций Руф. *Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида*

## Сўғдларнинг шарафли ўлими

Сўғдиёнанинг катта қисми чўлдан иборат. 900 стадий кенгликдаги жойни эгаллайди. Маҳаллийлар Политемит (*грекча ном, ҳозирги Зарафшон*) деб атайдиган дарё катта майдонни суғоради. У аввалига тор воҳа ичида оқиб, кейин ер остига кириб кетади. Лекин сувнинг шилдираган овози дарёнинг ер ости оқимини билдиради, оқимнинг устидаги тупроқ эса ҳамisha нам туради.

Шоҳнинг олдига бақувват ва атокли сўғдлардан ўттиз кишини олиб келишди. Ўзларининг қатлга олиб кетилишини эшитган бу сўғдлар бирдан қўшиқ айтиб, яна турли йўллар билан хурсандликларини билдира бошладилар. Шоҳ хурсандликнинг боисини сўради. Улар, шу пайтгача бировларнинг қўлида ўлиб кетишларидан хафа эканларини, энди эса, неча-неча қабилалар устидан ғалаба қозонган шоҳ қўлида ўлим топажакларини ва бу шарафли ўлим уларни ажодлари ёнига қайтаражигидан хурсандликларини айтдилар. Аждодлар билан учрашув эса қасамлари бўйича барча кучли эркакларга насиб этармиш. Искандар улардан, мен билан дўст бўлиб яшаб қолишни истамайсизларми, деб сўради. Биз ҳеч қачон сени ёмон кўрмаганмиз, бироқ урушнинг тизимига боғланганимиз учун душман сафига тушганмиз, деб жавоб беришди улар. Ўттизта барзангининг ҳаммасига эркинлик берилди...

КВИНТ КУРЦИЙ РУФ. *Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида*

## Яхшилик билан...

Искандар бир томондан ўз турмуш тарзини маҳаллийчага мослаштиришни, иккинчи томондан маҳаллий аҳолини македонча турмушга яқинлаштиришни кучайтирди. Аралаштириш орқали ўз ҳокимиятини куч билан эмас, яхшилик билан мустаҳкамлайман, деб ҳисобларди. Шу мақсадда маҳаллий болалардан 30 мингтасини танлаб олиб, юнонча билимга ва македонча қурол-яроғни ишлатишга ўргата бошлади. Уларга устозлик қилишга жуда кўп одамларни жалб этди. Бир кўришдаёқ севиб қолган гўзал ва сарвқомат Роксанани никоҳига олгани ҳам шу ниятларига мос келарди.

Плутарх. *Искандар Мақидунли*



## Скифларнинг бойлиги

Мардлар қабиласида одамларнинг қурол-яроғи ва куч-қувватидан бошқа бойлиги йўқ.

Искандарнинг йўлномаси

## Хиёнат

Спитамен хотинини жон-дилдан севар, янги-янги қувғинлар ва қоч-қочлар жонига тегиб кетган бу аёлни доимо ёнида бирга олиб юрарди. Бир куни хотини ноз-карашмасини ишга солиб, дарбадар қочиб юришларни тўхтатиб, Искандар меҳрига сиғиниб таслим бўлишни ўттириб сўради...

У қиличини қинидан суғуриб олди ва агар қайноғи-қайнилари ўртага тушмаганда хотинини ўлдирган бўларди. Шунда Спитамен кўзига кўринмасликни, агар кўринса ўлдиришини тайинлаб, тунларини никоҳсиз хотинлари билан ўткази бошлади. Бироқ унинг севгиси атрофдагиларнинг гап-сўзлари билан яна кўзгалди. Бирга яшай бошлагач, хотини эски ўтинчини яна такрорлай бошлади.

У бўйсунушдан ўлимни ортиқ кўришини айтди.

Бир куни катта базмдан сўнг унинг маст ҳолда уйқуга кетганини билиб, хотини кўйлаги остига яширган қилич билан Спитаменнинг бошини кесди-да, воқеадан хабардор қулига берди. У билан бирга қонга беланган кўйлагини-да ечмай, македон қароргоҳига келди.

Искандарга Спитаменнинг бошини топширди. Искандарнинг кўнглида турли туйғулар қурашарди. Ундан юз ўгирган, уни сотган, агар тирик қолса яна қанчадан-қанча ёмонликлар қилиши, ҳаётини заҳарлаши мумкин бўлган одам йўқ қилинганди. Аёлнинг хизмати жуда катталигини кўриб турарди. Лекин маккор хиёнатни қабул қила олмади.

Мараз ишдан жирканиш хизматга меҳр кўрсатишдан устун келди. У аёлга қароргоҳдан кетишни, грекларга варварча ахлоқни юқтирмасликни буюрди.

Квинт Курций Руф. *Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида*

Зоҳир АЪЛАМ таржимасидаги «Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида» китобидан



# ЎЗБЕКИСТОНДА МУДОФАА ТИЗИМИНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИДАН



бий округи 1867 йилдан бери шу ерда турган, бундан кейин ҳам туради!»

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилган бир шароитда давлатчилигини сақлаб қолиш учун мудофаа сиёсатини ҳам белгилаб олишни долзарб вазифалардан бири сифатида олдинга сурди. Унинг қонуний асоси Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунининг 6-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга», деб белгилаб қўйилди.

Конституцион тамойилларга асосланган ҳолда 1991 йил 6 сентябрь куни «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент фармони эълон қилинди. Бу амалда ёш республикага мудофаа сиёсатини амалга ошириш ҳуқуқини берар эди.

Мудофаа ишлари вазирлигига қуйидаги вазифалар юклатилди:

- ҳарбий сафарбарлик тадбирлари;
- Миллий гвардияни тузиш;
- фуқаролар мудофаасини амалга ошириш;
- ҳарбий билим юртларини комплекшлаш;
- муқобил хизматни ташкил этиш;
- ҳарбий хизматга чақиритиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш, қўшин ва ҳарбий объектларни янги жойга қўчириш;
- ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 10 сентябрдаги фармони билан полковник Аҳмедов Рустам Ўрмонович мудофаа ишлари вазири этиб тайинланади.

1992 йилнинг 14 январида Республика Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эга бўлди. Яъни шу кундан эътиборан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисм ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилнинг 29 декабрида қабул қилган қонунига биноан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

Мазкур муҳим ҳужжатга асосан «Ватан ҳимоячилари куни» озод ва эркин халқимизнинг муқаддас бир байрами сифатида 31 йилдирки, кенг нишонланиб келинмоқда.

## ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК РУСТАМ АҲМЕДОВ ХОТИРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигининг марказий аппарати Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси биносида Парадлар хиёбони (Мустақиллик майдони), 5-ўйда жойлаштирилди. Вазирлик ўз фаолиятини 12 офицер ҳамда 3 ходим билан бошлади. Орадан уч ой ўтар-ўтмас, давлатимиз раҳбари мендан: «Сен қаерда ўтирибсан?» деб сўради. Жавобимни эшитгач: «Нима сабабдан Туркистон ҳарбий округи биносига ўтмадинг? Ўша ерга кўчгин!» деб топшириқ берди. Айни пайтда Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал-лейтенант Кондратьевга ҳам Туркистон ҳарбий округи жойлашган бинодан Мудофаа ишлари вазирлиги учун жой ажратиш вазифасини берган экан.

Орадан чамаси икки-уч ҳафта ўтгач, Президент яна ўша савол билан менга мурожаат этди. Мен: «Топшириқингиз бажарилди, вазирлик Туркистон ҳарбий округи биносига кўчирилди», деб ахборот бердим. Шунда Президент: «Мудофаа ишлари вазирлиги ўша ерда жойлашганлигини ким билди? Мен ҳар қуни икки марта ўша ердан ўтаман, аммо «Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги» деган ёзувни кўряпман, холос. Энди фуқароларимиз Ўзбекистоннинг ўз Мудофаа ишлари вазирлиги, давлат ва фуқароларимизнинг ҳимоячиси борлигини билиши керак», деди.

Эртаси куни эрталаб генерал Кондратьев хизматга келганида, бино узра Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳилпираб тургани ва бино эшиги ёнида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги» деган ёзувни кўриб ғазабга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги фармони асосан мамлакатда Мудофаа ишлари вазирлиги тузилганини ўткинчи бир ҳолат деб ҳисоблаган Г. Кондратьев мудофаа ишлари вазирининг хонасига важоҳат билан кириб шундай дейди: «Туркистон ҳар-

бий округи биносидан Ўзбекистон байроғини ва янги пештахтани олиб ташлашни талаб қилди. Талаби бажарилмаган тақдирда Москвага ва шахсан Республика Президенти Ислоҳ Каримовга мурожаат этишини билдирди. Шу кунгача Туркистон ҳарбий округи қўмондонлари учун республиканинг барча раҳбарлари эшиқлари доим очик эди. Ўшанда биринчи бор Туркистон ҳарбий округи қўмондони Президент ҳузурига кира олмади.

Унга Республика мудофааси билан боғлиқ барча масалалар мудофаа ишлари вазири орқали ҳал қилиниши ёки мудофаа масалалари билан шуғулланувчи Президент маслаҳатчисига мурожаат этиши мумкинлиги тушунтирилади.

Шу пайтгача айтгани-айтган, дегани-деган бўлишига ўрганган генерал Кондратьевнинг Давлат маслаҳатчиси олдига кириб, ўз норозилигини изҳор этишдан бошқа иложиси қолмайди. Шундан сўнг Президент мени ва давлат маслаҳатчисини ҳузурига чақирди ва кулимсираб мендан: «Нима тўполон бошлаб юрибсан?» деб сўради.

Мазкур топшириқнинг Президент томонидан берилганидан беҳабар маслаҳатчи хатти-ҳаракатларим Конституцияга зид эканлиги, Ўзбекистон байроғи Парламент, ҳукумат ва Президент қароргоҳи бинolariдагина осилиши мумкинлигини айтиб, танбеҳ бера бошлади. Президентимиз хотиржамлик билан: «Энди мустақил бўлдик, халқимиз, оддий фуқароларимиз ўз байроғи ва Қуролли Кучларига ишониши, улар билан ғурурланиши керак. Байроқ ҳам, ёзув ҳам менинг топшириғим билан қўйилган. Байроғимиз мустақиллигимиз рамзи сифатида ҳилпираб тураверсин», деди.

Туркистон ҳарбий округи биноси пештоқида зарҳал ҳарфларда «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги» ёзувининг пайдо бўлиши ҳамда бинонинг устида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғининг ҳилпираши халқимиз қалбида мустақилликка, уни ҳимоя қилишга қодир бўлган мудофаа тизими яратилганлигига яна бир ишонч уйғотди.

**«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 30 йил» китобидан.**

Ҳарбий оркестр асрлар давомида ҳар бир қўшин таркибида фаолият юритиб келган ва қўшиндаги жанговарлик руҳини оширишда муҳим роль ўйнаган. Ҳарбий оркестр бугунги кунда барча куч тузилмалари, ҳарбий қисмлар, округлар, ҳарбий олий ўқув юртлари шахсий таркибининг ажралмас бир бўлаги саналади.



Ўтмишда Ўрта Осиёда карнай, сурнай, ноғора, довул ва бошқа чолғу асбобларидан ташкил топган ҳарбий оркестр жамоалари фаолият кўрсатган. Қўшиннинг жанговар мусиқа садолари остида юриш қилиши дostonларда доимий равишда учрайдиган «эпик қолип»лардан биридир. Бунда ҳарбий мусиқа асбоблари билан жиҳозланган махсус гуруҳлар тайинланган бўлиб, улар ритм асосида ҳаракатланишни тартибга солиб турган. «Юсуф ва Аҳмад» достонида «Сарбоз урушади карнай наҳрига...» манзараси тасвирланса, «Алпомиш» достонида «Ўзбаклар устига лашкар қилади. Намойишга карнай-сурнай қўяди...» жумлалари жангда мусиқий жанговарлик темпини намоён қилади. Ҳарбий мусиқачилар Ўрта Осиё хонликлари қўшинида ҳам фаол қўлланилган. Карнайчи, сурнайчи, ноғорачи, найчи, довулчилардан иборат ҳарбий гуруҳлар қўшиннинг ҳаракати ҳамда жанг натижаларини аҳолига етказиш вазифасини ҳам бажарган. Бугунги кунга келиб ҳарбий оркестрлар жамоаси замон билан ҳамоҳанг тарзда шаклланиб бормоқда. Уларнинг репертуарларида жанговарликни оширувчи маршлар, куй-қўшиқлардан ташқари замонавий

# ТИНЧЛИК НАВОСИ ЯНГРАЙВЕРСИН!

эстрада билан уйғунлашган дастурлар мавжуд. Хабарингиз бор, 2022 йилнинг август ойида ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг ҳарбий оркестрлари иштирокида «Тинчлик навоси» номли халқаро фестиваль бўлиб ўтган. Фестиваль давомида ҳарбий оркестр жамоалари пойтахтимизнинг марказий жойларида кўргазмалари чиқишлари ва концерт дастурларини намоиш этиб, кўпчиликнинг олқишларига сазовор бўлган.

«Тинчлик навоси» халқаро фестивали давомида юртдошларимиз Хитой, Россия, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Ҳиндистон каби ўнга яқин давлат ҳарбий оркестрларининг репертуари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди. Фестиваль давомида Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестр хизмати бошлиғи подполковник Бахтиёр Саиджанов дирижёрлигидаги жамоанинг чиқишлари кўпчилик томонидан олқишлар билан кутиб олинди. «Нито Агепа» муз саройида ташкиллаштирилган «Тинчлик навоси» халқаро фестивалининг якуновчи концерт дастурида ҳақиқий маънода тинчлик наволари янгради. Бундан ташқари Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестр жамоаси байрамларда пойтахт кўчалари, майдонлари ва диққатга сазовор жойларда концерт дастурларини намоиш этиши анъанага айланиб улгурди. Ҳарбий оркестрларимиз жамоалари Хитой, Россия, Германия каби давлатларда ўтказилган халқаро фестивалларда муваффақиятли қатнашганидан хабарингиз бор.

Ҳарбий оркестр репертуаридан «Амир Темура», «Мангуберди», «Қалқон», «Мустақиллик», «Шарқ», «Марказий Осиё», «Ёшлик», «Ғалаба шукуҳи» каби ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги маршлар ўрин олган. Мустақиллик йилларида яратилган бу маршлар миллий армиямиздаги жанговарликни ошириш йўлида янграб келмоқда. Шунингдек, уларнинг репертуарида «Хоразм лазгиси», «Баригал», «Ялла попуриси», «Андижон полкаси» каби миллий, «Мавриги», «Бразилия», «Глория», «Караван» сингари халқаро куй-қўшиқлардан иборат дастурлар ўрин олган.

Орамингда ҳарбий оркестр жамоасининг чиқишини кўрмаган, унинг ижросидаги бирорта марш эшитмаганлар топилмаса керак. Кўрганда, эшитганда ҳар биримиз ғурур ҳиссини туямиз, ҳаяжондан этларимиз жимирлайди. Одатда, бундай тадбирларда ҳарбий оркестр ижро этган мусиқа садолари остида майдонга Ўзбекистон байроғи олиб кирилади ва олиб чиқилади. Ҳарбий хизматчилар эса шахдам қадам ташлаб, саф майдонидан ўтишади. Ватанга қасамёд қабул қилиш жараёнида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Хўш, ҳарбий оркестр ижросидаги куй-қўшиқларнинг жозибadorлиги нимада? Нима учун уларни эшитганимизда ғурур ҳиссини туйиб, ҳаяжондан этларимиз жимирлайди? Айнан мана шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестр хизмати бошлиғи ўринбосари – оркестр бошлиғи капитан Мансур Раҳимовдан айрим маълумотларни олишга муваффақ бўлдик. Унинг айтишича, ҳарбий оркестр жамоаси труба, кларнет, тромбон, саксофон, баритон, валторна, туба, флейта каби ўндан ортиқ чолғу асбоблари ва зарбли чолғулардан фойдаланади. Натижада бу чолғу асбоблари ёрдамида замонавий овоз кучайтиргичларсиз жанговарлик тембри яратилади. «Амир Темура», «Мангуберди», «Қалқон» сингари миллий маршларимиз жўрлигида ҳарбий хизматчиларимиз саф майдонидан қаддини ва ғурурини тоғдек кўтариб, шахдам қадамлар билан ўтишади. Шунинг учун кўпчилик Ватанимиз ҳимоячиларига ҳавас қилишади. Тадбирларда улар билан бирга суратга тушишдан фахрланишади.

Юқорида «Тинчлик навоси» халқаро фестивалининг якуновчи концерт дастурида тинчлик наволари янграганига эътибор қаратдик. Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий оркестр жамоалари ҳам анча йиллардан буён бу анъанани давом эттириб келмоқда. Мустақиллик, Янги йил, Наврўз байрамларида ҳарбий оркестр жамоалари халқимизга хуш кайфият улашиш билан машғул. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида ҳарбий оркестр ижросида фақат ва фақат тинчлик наволари янграпти.



**Маълумот учун:** оркестр симфоник оркестрларда бўлгани каби дирижёр томонидан дирижёр таёқчаси (батон) ёрдамида бошқарилади. Кўпинча

ҳарбий дирижёр оркестрни тамбуршток билан бошқарилади ва бундай ҳолатда улар тамбурмажор деб аталади.

**Асрор РЎЗИБОЕВ**

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ, ХУСУСАН,  
ШЕЪРИЯТИ НИҲОЯТДА РАНГ-  
БАРАНГ ВА ЖОЗИБАДОР.  
ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ  
КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ,  
“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ СОҲИБИ,  
НЕЧА АВЛОД ШОИРЛАРИНИНГ  
МАЪНАВИЙ ВА БЕВОСИТА УСТОЗИ  
ИКРОМ ОТАМУРОД ЭСА МАНА  
ШУ АДАБИЁТНИНГ ЙИРИК  
ВАКИЛЛАРИДАН БИРИ.**

# КАНГУЛ ХИЁБОНИДАГИ САЙРЛАР



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Дўстлик» ордени соҳиби, атоқли шоир Икром Отамурод нафақат ўзбек адабиёти, балки миллий армиямиз ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган.

Гап шундаки, унинг ўғли майор Феруз Отамуродов ва қизи I даражали сержант Гулрух Мусаева Мудофаа вазирлиги қўшинларида хизмат қилиб, шарафли бурчини адо этиб келмоқда. Қувонарлиси, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош тиббиёт ҳамшираси Г. Мусаева 2022 йили «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланган эди.

Шоир ўз хотираларида ёзишча, болалиги кенгликлар – олис воҳанинг дашту далаларида оддий қишлоқ болалари каби ўтган. Бироқ ўзгалардан фарқли, у китоб билан ошно тутинган. Аввалига улуғ шоирлар – ҳазрат Навоидан тортиб, ўз замондошларигача бўлган ижодкорларнинг асарларига ҳайрат ва ҳавас билан боққан Икром Отамурод кейинчалик ўзи ҳам «Тўрғайли манзиллар», «Тавр», «Тағаззул» каби кўплаб китоблар битиб, самимий дастхатлар билан ўқувчиларга, дўстларига ва биз каби мухлисларга маънавий тухфалар улашди ва улашиб келмоқда. Сўнги ўн йилликларда нашрдан чиққан «Харитага тушмаган жой», «Тағаззул», «Муқаддас», «Хувийят» каби китоблар шоирнинг ҳар томонлама фикрий, ижодий жиҳатдан камолга етганини кўрсатди. Матбуотда улар ҳақида кўплаб мақолалар босилди. Тақдимотлар бўлиб ўтди. Китоблардан жой олган шеърлар Хуршид Ҳасанов, Муҳаммадкарим Соипов каби хонандалар томонидан куйланди.

Устоз шоирнинг 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Адиб ва жамият» рукнида чоп этилган «Сукут садоси» (Тошкент, «Adabiyot» нашриёти) китобини эса йиллар йиққан гулдаста дейиш мумкин. Бугун сиз билан айнан мана шу китоб мутолааси ҳақида фикрлашмоқчимиз. Китобдаги асосий ўзак Инсон ва унинг муаллиф таъбиридаги «кангул»ига бориб туташади. Бу мулоҳазалар хаёлингизда ярақлаб ўтиши биланоқ, шоирнинг машҳур мисралари қулоғингиз остида жаранглаётгандай бўлади:

*Канглум, мендан бўлак  
киминг бор сенинг,  
Канглум, сендан бошқа  
менинг кимим бор!  
Не десанг дегувчи –  
ёлгизим менинг,  
Не айтсанг айтгувчи –  
ўзинг хокисор...*

Шоирнинг бу сўзи омма ичига шунчалар сингиб кетдики, кўплаб шоирлар «кўнгил»ни «кангул» тарзида қўллайдиган ва ҳатто оғзаки мулоқотларда ҳам «кангул» деб гапирадиган бўлдиларки, бу бевосита шоирга бўлган ҳурмат белгисидир, унинг шеърига муҳаббат рамзидир!

«Сукут садоси»ни ўқишни бошладик.

Сержозоба бу китоб Ватан ҳақидаги шеър билан очилади. Бу шеърнинг ўзиёқ, нафислиги, дилбарлиги билан қалбингизга сингади:

*Ватан – Боболардан  
мерос бир иймон,  
Руҳим мундарижасида*

*муқаддас ёзув.  
Таниш ва нотаниш  
имлоларсимон  
Руҳимда ҳисларнинг  
тўфони тизув.*

Бобомерос бир иймон Ватан муҳаббатидир. Буни, назаримизда, шоирлар бошқалардан кўра, беш-ўн чандон теранроқ ҳис этадилар. Бу шеърдан кейин шоир Ватан тушунчасига оид шеърларни бирин-кетин эътиборингизга ҳавола этади. Муаллиф сизни лолақизғалдоқлар, чучмома-лар, кўзигуллар, жингиллар, янтоқлар ўсиб ётган кенгликларга, мунис тўрғайлар сайраётган ёнбағирларга етаклайди. Ажаб, тупроқ ва табиат ҳақидаги тасаввурлар, кушлар, наботот олами бобидаги шеърлар бошқа шоирларда ҳам кўп. Аммо Икром Отамурод ижодида бу тушунчалар ўзининг ҳадди аълосига етказилган. Шоир тупроқни «туфроқ», япроқни «яфроқ», деб авайлаб айтади. Ўз таъбирича, Қашқадайро кенгликларини жондилдан суяди. Шаҳарнинг тор кўчаларини, қайноқ ҳаётни, қават-қават тошбетон уйларни ташлаб, ўша кенгликларга кетгиси келади.

*Мени якка ташлаб  
чопади дамлар,  
Мени якка ташлаб  
чопади поезд,*

деб зорланади шоир *кўнгли*. Яна шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, бу шоирнинг индивидуал дардлари эмас, балки, бу ва бошқа мисралар ўз бағрида жами табиатсевар, хокисор инсонлар орзу-мурадини мужассамлаштириб берган. Ҳозиргина йўлдан шитоб ўтиб кетган тезюрар поезд ҳам энди сизга қадрдондек туюлиб қолади. Унда минглаб одамлар орзуси, умиди, соғинчи, дийдори, рашки ва ашки бораётгандек туюлади. Сиз ҳам шу паллаларда кимнидир ташна соғинганингизни ҳис этасиз. Аммо у Инсон узоқда. Начора, бир кам дунё. Шундай кезларда ўша мунис инсонингиз қиёфасини хаёлингизда жонлантирасиз ва шундан таскин топасиз. Унга оқ йўллар тилайсиз. Шоир ёзади:

*...Мен дунёда барчанинг  
йўлини тилайман,  
Осмон юлдузларга йўл  
тилаганидек,  
Денгиз балиқларга йўл  
тилаганидек,  
Замин майсаларга йўл  
тилаганидек.*

Умуман, ушбу китобдаги деярли барча шеърларда икки жиҳат – шоирнинг ички, гўзал Мени ва атрофдаги те-варакка, борлиққа, табиатга, барчага чексиз муҳаббати кўзга «яроқ» этиб ташланади. Икром Отамурод шеърларини минбарларда бақириб-чақириб ўқиб бўлмайд-

ди. Улар сурон солмайди. Бироқ биз юқорида санаган кенгликлар, тўрғайлар, кўзигуллар – бари-бари бир бўлиб Ватан ва Ватандошлар тушунчасини яхлит ҳолда юзага келтириб беради. Ўзи «кангул одами» бўлган шоирнинг қахрамонлари ҳам худди ўзи кабидир:

*...Бир денгиз бор  
Кўзлардай теран.  
Бир тоғ бор  
Елкалардай буюк.  
Бир кенглик бор  
Кангулдай сарҳадсиз.  
Бир инсон бор  
Денгизни,  
Тоғни,  
Кенгликни  
Юрар кангулга жойлаб...*

Назаримизда, юқоридаги фикрларга шу шеър жуда чиройли ва жўяли тасдиқ бўлади.

Икром Отамуроднинг кўплаб китобларидагидек, «Сукут садоси» мажмуасидаги кўпгина шеърларда ҳам Инсон ва унинг кемтикликлари, феълидаги ноқисликлар, қай бирининг алдашга чапдастлигию, қай бирининг алданишга мойиллиги, ҳақиқатнинг гоҳида дасти калталигию, ёлғоннинг гоҳида гердайиши каби ҳоллар мушоҳадасига кенг ўрин берилган. Шоир манфаат устига қурилган дўстлик, таъма билан қилинган ҳиммат, сохта обрў ва шон билан ғурурланиш, камтарликнинг, андишанинг ҳаминиша-да устувор эмаслигидан мудом дилғашлик туюди.

Шоир шеърларида инсон манзараларини, унинг феъл-ини чуқур фалсафий-руҳий йўсинда таҳлилга тортади. Иккиюзламачилик, тилёгла-малик, хушомад, таъма каби иллатлар уни рўй-рост ранжитади, ўйга толдиради. Ёлғонлар, алдовлар, фитна-лар билан шоир орасидаги муросасизлик, ёлғон Инсон душмани эканини, таназзул кушандасилигини таъкидлаш китобдаги «Чўпоналдар» (қуш номи – муаллиф) ва «Тўриқ» номли баллада-ларида ҳам акс эттирилган.

Икром Отамурод шеър-иятига ҳар гал мурожаат қиларкансиз, теран изтироблар, ҳузурбахш қувончлар, кангул иқлими қаршисидан чиқасиз. Бу шеърят сизга далда бўлади, бу шеърят сизга руҳий куч беради. Шунинг учун бу фазилатли ижод ва унинг соҳиби ҳақида мароқ билан узоқ гапириш мумкин. Икром Отамурод шеър-иятида сиз ўзбек халқининг энг яхши фазилатларининг назмий тажассуми-ни кўрасиз. Шу боисдан бу мутолаа жуда-жуда мароқли, юракка яқиндир.

**Икромжон  
АСЛИЙ-АНДИЖОНИЙ**

**Dadamni har doim o'jar shoir sifatida yodga olishadi. Bizning xotiramizdagi Shavkat Rahmon esa mehribon va haqiqiy yo'l boshchi (motivator) o'z shaxsiy namunasi bilan o'rnak bo'la olgan insondir.**



5-sinfda edim. Sinf rahbarimiz uy ishiga insho yozishni buyurdi. Mavzu – Vatan tuyg'usi. Uyga borib dadam ishdan kelganida:

– Dada, insho yozishga yordamlashvorasizmi, nima deb yozishni bilmayapman, – dedim. Shunda qattiq koyish eshitdim:

– Inshoda o'z fikringni bayon etishing kerak, senga yordam bersam, qanday qilib o'qituvchingga insho yozib keldim, deysan! Axir bu yolg'on bo'lib qoladi-ku, qizim, – dedi.

Indamay eshitdim. Koyiganlariga o'zlari xijolat bo'lib: "O'zi nima mavzu ekan?" deb

so'rab qoldi. "Vatan tuyg'usi", dedim. U kishi indamay qo'ydi, birozdan so'ng ayamga kuyunib gapirib ketdi.

Kichkina bolada qanday qilib Vatan tuyg'usi to'g'risida tushuncha bo'lsin?! Axir ular bu tuyg'uni chindan, yurakdan his qila olishmasa, Vatanga bo'lgan hissiyotlari bo'lmasa, nega bularni hozirdan yolg'on

# YOVGA TERS QARAGAN SHOIR

gapirishga o'rgatishadi, deb aytganlarini chetdan kuzatib turganman.

Ertasi kuni esa maktabimiz direktoriga ham o'z pozitsiyalarini tushuntirib, bolalarga to'g'ri va erkin fikrlashni kichkinaligidanoq o'rgatish muhimligini tushuntirdi.

Bilasizmi, oilamizdagi mana shu kichkinagina dialogdan bir nechta dars olganman:

▶ Vatan bu – muqaddas tuyg'u, unga bo'lgan muhabbatni esa kichkinagina inshochalar bilan ifoda etib bo'lmaydi.

▶ Hamma kattalar ham aqli bo'la olmaydi, haqiqat uchun kurashish muhim.

▶ Har bir ishga o'ta mas'uliyat bilan, vijdonan yondashish lozim.

▶ O'z fikriga ega bo'lib, uni qo'rqmasdan ifoda etish darkor.

▶ Eng asosiysi – farzand taqdirida ota-onaning ishtiroki katta ahamiyatga ega.

Xotiralarimda shu kabi suhbatlar, hayotiy vaziyatlar ko'p bo'lgan. Dadam bizga hayotga qarashlarimizni o'zlarining haqiqatparvar, qo'rqmas va o'tkir – "yovga ters qaramaydigan" nigohlari orqali o'rgatdi.

Ota-onamiz hech qachon bizni o'tirib olib qulog'imizdan cho'zib tarbiya qilmaganlar, balki yuqorida aytganimdek, hamisha shaxsiy namuna sifatida doim o'rnak bo'lgan. Ularning har bir harakatlari biz uchun dars bo'lgan. Hozir ham dadamning she'rlari orqali ba'zi bir savollarimga javob topaman, ilhom baxsh kuch olaman.

Dadam qisqagina umr kechirib betakror ijodi, xalqchilligi bilan o'quvchilar qalbidan chuqur joy oldi, surati, siyrati, pokligi bilan odamlarning mehrini qozondi. Shavkat Rahmondek teran fikrli, oilaparvar kuchli shaxsning farzandlari ekanimizdan doim faxrlanamiz.

**Kamola RAHMONOVA**

**IQTIDOR**

## KICHKINA DEMANG BIZNI...



**14 yashar qizaloqning oyiga 5 000 dollar pul ishlab topishiga ishonasizmi? Menimcha, tasavvurga sig'irish juda qiyin. Xoh ishonang, xoh ishonmang, yosh bo'lishiga qaramay ikkita xalqaro patent sohibasiga aylangan Munirabonu G'afurova mana shunday ishbilarmon qizlardan. Qanday qilib deysizmi? Buning siri o'yinchoqlar yasab, ularga bezak berayotgan mohir qo'llarda. Uning ixtirolari Germaniya, Avstraliya, Turkiya, Rossiya, Indoneziya, Birlashgan Arab Amirligi hamda ko'plab mamlakatlar bozorini zabt etgan. Bugungi kunda yuksak iste'dod egasi 50 dan ziyod shogirdiga qo'g'irchoq bezash sirlarini o'rgatmoqda.**

Toshkent shahri Chilonzor tumanidagi 90-maktabning 8-sinfida tahsil olayotgan iqtidor egasi hozirgacha Indoneziya, Rossiya, Birlashgan Arab Amirligi, Turkiya, Qozog'iston va boshqa davlatlarda turli xil tanlov va ko'rgazmalik festivallarda ishtirok etgan, 2019-yili Moskva shahrida o'tkazilgan "Руками женщины" festivalida 2-o'rin, 2020-yili Toshkent shahrida o'tkazilgan "Eng yosh ixtirochi ayol" respublika ko'rik-tanlovida 1-o'rinni qo'lga kiritgan. Shuningdek, 2022-yili "Raqqamli texnologiyalar" tanlovi g'olibi hamda Jakarta shahrida bo'lib o'tgan "Trade Expo Indonesia 2022" festivalining sovrindoridir.

– Yetti yoshimdan boshlab "Barkamol avlod" respublika bolalar texnika ijodiyot markaziga qatnaganman, – deydi hunarmand qiz Munirabonu G'afurova. – Markazda ustozim Nilufar Boymetova o'yinchoq yasash, ularga estetik dil bilan bezak berishni o'rgatgan. Keyinchalik qo'l ishlarim bilan respublika va xalqaro tanlovlarda qatnashishni boshlaganman. Masalan, yaqinda Avstraliyada bo'lib o'tgan

tanlovda ham 12 ming dollar yutib oldim. Shukrki, men yasagan qo'g'irchoq va o'yinchoqlarning bozori chaqqon bo'lib, yiliga 60 ming dollar daromad ko'ryapman. Quvonarlisi, shu yili Dubay shahrida o'z savdo do'konimni ochishga muvaffaq bo'ldim. Shogirdlarim va men yasagan mahsulotlar o'sha yerning aholisiga juda yoqdi. Shuningdek, imkoniyati cheklangan 50 dan ziyod ayolni ish bilan ta'minlab, ularga hunarning sir-asrorini o'rgatmoqdaman. Kelajakda egallamoqchi bo'lgan kasbim esa huquqshunoslik. Chunki mening hozirgi ishim kasb emas, hunar. Shuning uchun "Hunar, hunardan rizqing unar" deb bejizga aytilmagan.

Bugun maktab o'quvchilari qo'ligul qizdan o'rnak olsa arziydi. Bir vaqtning o'zida o'quvchi, hunarmand va tadbirkorlik faoliyatini olib borayotgan Munirabonu G'afurovaga o'zi yasagan o'yinchoqlarning turini ko'paytirib, milliy mahsulot brendi ostida jahonning ko'plab mamlakatlariga namoyish etishini tilab qolamiz.

**A'zim AXTAMOV**

**PROFILAKTIKA**

## HARAKAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH – USTUVOR MASALA

**Nukus garnizoni ma'naviyat va ma'rifat markazida Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondonligi, garnizon harbiy avtomobil nazorati inspeksiyasi hamda Qoraqalpog'iston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasi mutaxassislari ishtirokida yo'llarda harakat xavfsizligini ta'minlash, yo'l transporti bilan bog'liq bo'lgan baxtsiz hodisalarning oldini olish maqsadida "Hushyor haydovchi" profilaktik tadbiri tashkil etildi.**



Ma'lumotlarda keltirilishicha, so'nggi yillarda respublikamiz yo'llarida inson hayoti va sog'lig'iga jiddiy xavf solayotgan hodisalar soni ortgan. Ularning aksariyati tezlikni oshirish, yo'l harakati qoidalariga rioya qilmaslik oqibatida kelib chiqayotgani afsuski, bor haqiqat. Tadbirda so'zga chiqqan soha xodimlari bu haqda atroflicha fikr yuritir ekan, harakat xavfsizligini ta'minlashda va yo'l-transport hodisalarining oldini olishda nafaqat haydovchi, balki piyodalalar ham birdek mas'ul ekanligini ta'kidladilar. Chunki ko'p hollarda piyodalarning harakat qoidalarini qo'pol ravishda buzishi, ko'plab ko'ngilsiz voqealarga sabab bo'layotganini hayotiy misollar orqali tushuntirishdi hamda haydovchilarning transport vositalarini mast holda boshqarishi, tezlikni oshirishi va yo'l belgilariga amal qilmasligi sababli yuzaga kelayotgan noxush vaziyatlar va ularning oqibatlariga to'xtalishdi.

Tadbir yakunida mavzuga oid hujjatli film namoyish etildi.

**Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati**





# ХУРЛИК

(воқеий қисса)

# ФИДОЙИЛАРИ



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Шунда баланд бўйли, дўнғпешона жангари Исаев ўтирган «позиция» томон тикилиб турди-да, худди уни кўриб тургандек, ўша томонга ҳаракатлана бошлади. Сўқмоқ четдаги тиконли қалин ўсимликлар ичига ўнг оёғини босди-ю, чапини кўйиб улгурмай тойиб кетиб, ўтириб қолди. Овоз чиқармай, имо-ишора қилиб турган шериклари ўзини тутта олмай, хахолаб кулиб юборди.

– Сенларга кулиш бўлса! – хўмрайди шерикларига. – Ундан кўра, қўлимдан торт, кўрмаяпсанми, атроф тўла тикон!

– Ким сенга бу томонга юр деди? – унинг туришига ёрдам берди ўзини кулгидан тўхтата олмаётган жангарилардан бири. – Бу жойларда одам тугул ҳайвон юрмагани кўриниб турибди-ку. Ўсимликларда ҳеч қандай из йўқ. Сенингча, ярадор шу жойларга беркинганми?

– Кулма, ҳамма нарса бўлиши мумкин. Унинг сўқмоқдан юрмагани аниқ, йўқса, аллақачон етиб олган бўларди ёки изини топардик.

– Бироқ бу жойга ҳам беркинмагани аниқ.

– Бахшлашманглар, қани кетдик, чалғимаслигимиз керак, шу баҳона нафас ростлаб олдиларинг, – шерикларини тезлатди калласи катта хўмрайган жангари. – Тез ҳаракат қилмасак, бўлмайди. Қоронғи тушмай, жарроҳ топишимиз шарт. Икки киши анави қочоқ билан шуғулланади.

Кўзи қонга тўлган тўда босқинчилари атрофга олазарак боққанча сўқмоқ бўйлаб тезоб ҳаракатини давом эттирди. Улим шарпасига рўбарў бўлиб турган Исаев қатл жазосидан қутулган маҳбусдек енгил тин олди, қалтираб турган вужуди бўшашиб кетди. Пешонасидаги муздек терни артганча аста ён томонга ёнбошлади. «Ҳаёт қанчалар ширин», кўзларини юмди у ва шу ҳолатда жаллодлар қўлига тушмаслик учун режалар туза бошлади...

Пойгадаги отдек ҳаракатланаётган жангарилар «Родничок» дам олиш масканига етиб келди.

– Биродарлар, энди хушёр бўлишимизга тўғри келади, қуролларни яширинг! – шерикларини огоҳлантирди олдинда кетаётган жангари. – Саид айтган дам олиш зонаси

мана шу. Биз учун белгиланган дачалар ҳам шу атрофда.

– Тўғри, – қўлидаги харитага қаради ёнидагиси, – туришидан дам олиш маскани бўм-бўш.

– Ичкарида кимдир бўлса керак, кириш эшиги олдида енгил машина турибди.

– Унда ичкарига кириб кўрамиз, соқолларимизни олишимиз керак, бу биз учун имконият. Кейин Янгиобод шаҳарчасига бориб, врач олиб қайтамиз.

– Анави қочоқ шу ерга келади, назаримда.

– Қаерга ҳам борарди, икки киши уни шу ерда кутиб туради. Кейин...

Босқинчилар дам олиш масканига кириб бориш асносида манфур режа тузиб борарди.

Масканга рухсатсиз, бемалол кириб келаётган шубҳали шахсларни кўрган кекса қоровул шошилганча уларнинг олдида чиқди.

– Келинлар, йигитлар, тинчликми, кимсизлар?!

– Ассалому алайкум, ота! – қоровулда шубҳа уйғотмаслик учун овозию тунд башарасини ўзгартирди олдиндаги жангари. – Овчиларимиз, неча кундан буён тоғда юргандик. Дам олайлик, деб келдик-да.

– Йигитлар, унда сизларга дача керак. Орқа йўлдан юрсаларинг, дачалар бор. Дам олиш маскани қишда ишламайди. Ҳозир бу ерда мен билан кампиримдан бошқа ҳеч ким йўқ.

– Унда кириш эшиги олдида турган енгил машина сизникими?

– Хаа, уми? У ўрмончи йигитники. Икки-уч кунда қайтамиз, деб тоққа кўчат экишга чиқиб кетган.

– Шундай денг, – бир-бирига сирли қаради совуқ башаралар, – отахон, бизга бирорта хонани очиб берсангиз, соқолларимизни олиб, бир соатда чиқиб кетардик.

– Бунинг ҳеч иложи йўқ, ўғилларим, буйруқ шундай! Қоровулхонага киргизай десам, кампирим иккимиз зўрға сиғамиз, жуда тор.

– Вақт кетяпти! – асабийлаша бошлади калласи катта жангари. – Тезроқ ишни битирайлик!

– Отахон, ичкарига кирайлик, сизда гап бор, – босқинчилар атрофга назар ташлаш баробарида чолнинг икки ён қўлтиғига кириб, қоровулхона томон юрди.

Нима бўлаётганини тушунмай турган қоровул кўз очиб юмгунча бакувват қўллар қуршо-вида кампири ёнида бўлди.

– Тирик қолишни истасанг, иккаланг ҳам овоз чиқармай жим ўтир! – важоҳат билан чолни қаттиқ туртиб, диванда ётган кампири ёнига ўтқазиб қўйди қотиллардан бири.

Жангариларнинг ҳақиқий башарасини кўрган чол ўтирган жойида қотиб қолди. Унинг бемор хотини пайпаслаиб ўрнидан туришга ҳаракат қилди-ю, бир тўп соқол-мўйлови ўсган эркакни кўриб, ҳушидан кетишига оз қолди.

– Ўзингни қўлга ол, кампир! – уни тинчлан-тирди чол. – Булар овдан қайтаётган меҳмонлар. Дам олгани келишибди.

– Энди ўзингга келдинг, отахон! Бизга маскан бошлиғининг хонасини очиб бер, йўқса... – кийими ичига яширган қуролини аста кўрсатиб, дўқ қилди «асирлар» ёнида турган дўнғпешона.

Иблис элчиларидан яхшилик кутмасликни англаган қоровул қалтираб ўтирган хотинига «ҳаммаси жойида», дегандек қараб қўйди-да, керакли калитни олиб, ташқарига йўналди.

– Меҳмет билан Абдулмутал, биринчи сенлар соқолингни ол, жарроҳ олдида боришларинг керак! – уларга буюрди хумкалла босқинчи. – Эшикни очиб бергандан кейин қоровулни биттанг олиб кел!

Қоровулхонада қолган икки жангари деразадан «қочоқ»нинг кўриниш беришини кутиб, тоғ йўлини назорат қилиш баробарида, «ўз тилида» чол-кампирдан қутулиш маслаҳатини қиларди:

– Чекка хоналардан бирига олиб киримиз-у, икки ўқ билан тинчитамиз-қўямиз. Шу ҳам муаммоми?

– Ўламан деб турган қариларга ўқ увол кетади. Қўл-оёғини боғлаб, оғзини беркитсак бўлди. Ишимиз битгунча бизга халақит бермайди.

– Нима, ота-онанг эсингга тушиб кетдими, раҳмдил бўлиб қолибсан?!

– Аҳмоқ, сенга ўқ увол кетади, тежашимиз керак, деяпман. Сен анави ўрмончи ҳақида бош қотир. Агар қўлимиздан чиқиб кетса!..

– Шундоғам деразадан кўз узганим йўқ. Қўлимга тушса, нимта-нимта қилиб ташлайман!

Шу орада жангарилардан бири қоровулни олиб қайтди. Довдираб турган чол ранги афтодаҳол кампирининг ёнига ўтирди.

– Янгиобод шаҳарчасида шифохона борми? – қоровулдан сўради, дўнғпешона.

– Бизга жарроҳ керак!

– Йўқ... фақат тиббиёт пункти бор. Битта кекса врач билан иккита ҳамшира ишлайди.

– Жарроҳни қаердан топса бўлади?

– Ангрен шаҳридаги касалхонада бор жарроҳ.

– Анави енгил машинанинг эшиги очиқми? – Очиқ, фақат бензини йўқ.

– Қаердан бензин топса бўлади? – чолга еб қўйгудек тикилди у.

– Янгиобод шаҳарчасига кираверишда бензоколонка бор.

– Мен бензинга тушиб келаман. Бўлмаса, вақт йўқотамиз, – шеригига тайинлади у.

– Машина орқасида идиш бўлса керак. Сен тоғ йўли ва манави иккисидан кўзингни узма...

Босқинчи енгил машинанинг орқасидан ўзи тахмин қилган бензин идишини олди-да, пастликда жойлашган шаҳарча томон шошилди. Ҳаво анчайин совуқ бўлиб, йўл юзида деярли ҳеч ким йўқ. Фақат шаҳарчага яқинлашганда, тепаликка чиқиб-тушиб йўнаётган ўн икки-ўн уч ёшлардаги болакайга дуч келди. У бегона одамга синчковлик ва қизиқиш билан бир муддат термилиб турди. Бола билан «шуғулланишга» вақти йўқ жангари ёнилғи қуйиш шохчасига кўзи тушиб, қадамни тезлатди...

– Дада, мен ҳозир бегона одамга дуч келдим, – уйига кира солиб, отасига хабар берди Фаррух. – Соч-соқоли ўсган одам қўлида бензин идиш билан тоғ томондан тушиб келди.

– Намунча ҳовлиқмасанг, ўғлим! Балки, овчилардир, ўрмончилардир.

– Дада, мен бу ердаги барча овчилар, ўрмончиларни танийман. У бутунлай бегона, туришидан хавфли кимса. Менга ўқрайганини бир кўрсангиз эди.

– Шундай дегин, – ўғлининг гапидан хушёр тортди Насимбек ака. – Тоғ томондан тушган бўлса, балки юқоридаги дачаларга нияти бузук кимсалар келиб жойлашгандир. Бунинг тагига етиш керак. Янгиободдаги ички ишлар бўлимига хабар бермасак бўлмайди.

– Алло, мен шаҳардаги мактаб директори Мирзаевман, – хабар етказишга тутинди Насимбек ака. – Менга бўлим бошлиғи Говорухин керак эди...

– Хавфли кимса ҳақида маълумот берганингиз учун раҳмат, – Насимбек акага миннатдорлик билдирди подполковник Говорухин. – Ёрдамчиларим хизмат билан чиқиб кетган эди. Келган заҳоти юқоридаги дам олиш маскани ва дачаларни кўздан кечирамиз...

Подполковник Говорухин террорчилар уни ва ёрдамчиларини автоматлар билан қарши олишини, маълум соатлардан кейин осойишталик посбонлари умри қашқирлар қўлида поёнига етишини хаёлига ҳам келтирмасди...

(Давоми бор)

КУЗ ФАСЛИНИНГ ОХИРГИ КУНЛАРИ,  
ҲАВО СОВУҚ. ДАРАХТЛАРДАГИ  
ЯПРОҚЛАР ОЛТИН ТУСДАН ҚИЗГИШ  
ТУСГА КИРГАН, ҚОВЖИРАБ ҚОЛГАН  
БАРГЛАРНИНГ ГҶЁ БИР-БИРИ БИЛАН  
МУСОБАҚАЛАШГАНДЕК ЕНГИЛ УЧИБ  
ЕРГА ТҶКИЛАЁТГАНИНИ КУЗАТИБ,  
АНЧА ЙИЛЛАР ОЛДИН АВТОБУСДА  
МЕНГА ҲАМРОҶЛИК ҚИЛГАН  
НАСИМЖОН ОТА АЙТИБ БЕРГАН  
ВОҚЕА ЁДИМГА ТУШДИ.

– Болам, қара, ҳовлидаги дарахтларда бирорта ҳам барг қолмабди-я! Дарахт ҳам менга ўхшаб, ота-онасидан айрилгандек ғамгин боши ерга эгилган. Ох, етимлик курсин, етимнинг кўрган куни курсин! Болам, – дея гапини давом этди отахон, – ёшлигимда жуда кўп қийналганман, болаларимнинг қийналишини истамайман, – қария оғир хўрсиниб, автобусдаги ҳамроҳига қаради.

– Хафа бўлманг, у кунларингиз ўтиб кетди! Табиатнинг, ҳаётнинг гўзаллигига қаранг, завқланинг! – деди ҳамроҳи унинг кайфиятини кўтариш учун.

Отахон чуқур хаёлга чўмганини кўрган ҳамроҳи бошқа гапирмай, атрофни кузатишда давом этди.

Отахон оғир дамларни, ўгай она ва акаси билан яшаган кунларни эслаш кетди.

...Кўчадан шанғиллаб кириб келган аёл ариқ бўйида лой ўйнаб ўтирган 5-6 ёшлар чамаси боланинг тепасига борди. Болакай тепасида турган онасига ҳам эътибор бермай, лойдан турли хил ҳайвонлар, чойнак, пиёлалар яшаш билан овра эди. Унинг ишини кузатиб турган ўгай она:

– Эй етимча, сен ўлмадинг, мен кутулмадим! Бу нима аҳвол? Ҳамма жойни ифлос қилибсан-ку! – деди-ю, лойдан ясалган нарсаларни оёқлари билан босиб, эзгилаб ташлади.

– Она, бузманг! – дея болакай онасининг оёғига ёпишди. Бундан баттар жаҳли чиққан аёл боланинг тўғри келган жойига уриб, тепиб кетди. Ўгай онанинг қўлидан кутулиб чиқиш қийин эди. Насимжон кимдан нажот сўрашни ҳам билмасди. Овозини чиқариб йиғласа, бундан ҳам баттар таёқ ейишини билган бола унсиз йиғларди.

Аёлнинг шовқинини эшитган қўшниси Нормат бобо кириб келиб қолди.

– Ё Худо, келин, шу гўдаккинани ҳам шундай урасизми! Айби нима бу норасиданинг? – у Насимжонни ўгай онанинг чангалидан тортиб олиб, бағрига босди. – Ҳа, болам-а, болам, бунча пешонанг шўр бўлмаса, меҳрибон ота-онанг тирик бўлганида бундай азобларни кўрмасдинг, – қария боланинг пешонасидан ўпиб, унга ачиниш билан тикилди.

– Сиз нега аралашасиз? Бу етимчага шундай тарбия бериш керак! Одам бўлади, ғирт бекорчи, кўрма-япсизми, лой ўйнаб ўсяпти! – деди она.

– Бола бўлганидан кейин ўйнайди-да, шу гўдаккина нимаям иш қиларди? – деди Нормат бобо куйиб-пишиб.

Шу пайт дарвозадан меш-полвонга ўхшаган семизгина бола



кўчадан тўпини тепиб, кириб келди. Уст-бошига қараб бўлмади: терлаб, чангда ўйнаганими, юзларида қотиб қолган тупроқ изи чўлдаги ёлғиз-оёқ йўлларга ўхшаб билиниб турарди. Бола онасига қараб бақирди:

– Қорним жуда оч, қани овқатингиз, нега овқат тайёрмас?

– Болажоним, нур юзлимиз, меҳрибоним, эркатой тойчоғим, ўзим ўргилай, қорнинг очдимми? Ҳозир, гўшт қовуриб кўйганман, – аёл шундай деди-ю, ошхонага югурди.

Насимжоннинг ҳам қорни очди. Шунинг учун бобонинг кучоғидан чиқиб, юз-кўлини ювди ва акасининг ёнига бориб ўтирди. Акаси Насимжонни кўриши билан жаҳли чиқиб, «Кет, онам гўштни менга қовуриб бердилар, сен етимчага эмас, кет! Етимча – етти кулча!» дея устидан кула бошлади.

Насимжон бир акасига, бир онасига қараб, унсиз йиғлаганча ўз хонасига қараб кетди.

Боланинг кўзларидан оққан ёшларни кўриб, Нормат бобонинг юраги эзилди ва кўзларидаги ёшни рўмолчасига артганча ҳовлидан чиқиб кетди.

Насимжон ичкари уйга кирди, орқасига қараб, ҳеч ким уни кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, бурчакда турган эски сандиқнинг орқасидан ранги ўчиб кетган рўмолни кўлига авайлабгина олди, бағрига босди. Ота-онасининг сурати бор эди. Болакай ҳар доим кўнгли ўксиган пайтида кадрдонларининг расмини сандиқдан олиб, уларга дардини айтарди. Бундан бир оз енгил тортарди. Бу сафар ҳам шундай қилди. Рўмолчадан ота-онасининг расмини олиб, кичкина бармоқчалари билан силади ва титраб турган лабларига босиб, хўрсиниб-хўрсиниб овоз чиқармай йиғлади.

«Онажоним, меҳрибоним, сизни фақат расмда кўрганман! Биламан, сиз жуда меҳрибонсиз! Мен сизни соғиндим, иссиқ бағрингизни қўмсадим! Нега мени ёлғиз ташлаб кетдингиз? Онажоним! Мен шунчалик ёмон боламанми? Нега отажоним ҳам мени ўгай она кўлига ташлаб кетдилар? Отамни элас-элас эслайман. Тойчоғим, деб орқаларига от қилиб миндириб, ўйнатардилар. Байрамларда янги уст-бош олиб берардилар, кийимларни қучоқлаб ухлаб қолардим».

Шу пайт ҳовлидан ўгай онанинг овози келди, бола бир сапчиб тушди.

– Ҳа, она! – деб бола титраган овозда жавоб берди.

– Кел, болажоним, сени йўқлаб тоғанг, амакинг, амманг келибди! Кела қол, тойчоғим! – онаси тиржайганча елкасидан кучди. Насимжон зўрға ўзини йиғидан тийиб, тоғасининг бағрига отилди. Боланинг кўзларидан ёш шашқатор бўлиб оқарди. Тоғаси жиянини қаттиқроқ кучган эди, бола оғриқдан инграб юборди. Бундан ҳайрон бўлган аммаси кўлагини кўтарди ва беихтиёр дод солиб, йиғлаб юборди. 5-6 ёшли боланинг бадани қонгалаш бўлиб, кўкариб кетганди. Насимжонни бағрига босганча юзларидан ўпиб: «Аввалроқ олиб кетишимиз керак эди», деб йиғларди аммаси.

Вақтлар ўтиб, тоғасининг қўлида тарбияланган Насимжон ўзи истагандай терговчи бўлди.

Ёш боланинг йиғиси отахоннинг хаёлини бузди.

– Яхши дам олдингизми? – деди ҳамроҳи қарияга кулиб.

– Хаёл ўтган кунларни ёдимга солди, болам! – деди отахон.

– Ҳозир қаерга кет-япсиз, юзингизда негадир ҳорғинлик бор, – деди ҳамроҳи.

– Эй болам, туғилиб ўсган қишлоғимга – ота ҳовлимга кетяпман. Ўгай акам бир неча йиллардан бери оғир бетоб эди, катта-катта шифокорларга қаратдим, лекин фойдаси бўлмади, ичкилик уни хароб қилди, – деб автобусдан тушишга тайёрланди отахон.

Ҳаётда нималар бўлмайди, яхшилиқ ва ёмонлик доимо ёнма-ён юради. Ҳозир ҳам ота-она меҳрига зор бўлганлар қанча, уларни тириклигида қадрлаш лозим.

Отахоннинг гапидан мутаассир бўлиб ўтирган вақтим қўл телефоним жиринглаб қолди. Кўзларим соғинчдан, меҳрдан чарақлаб кетди.

Онам, жонкуярим, меҳрибоним! Уни қанчалар яхши кўришимни шу лаҳзаларда яна бир бор ҳис қилдим. Шундай сурурли ҳиссиёт ила яшил тугмани босдим:

– Алло, онажон! Ассалому алайкум. Мен йўлдаман...

# ЖИГАРНИ ЁҒ БОССА...

Бу касаллик тиббиётда ёғли гепатоз дейилади. Асосан нотўғри овқатланиш, кам ҳаракат туфайли юзага келган семизлик натижасида жигарни ёғ қоплайди. Шунингдек, қандли диабет, айрим гормонал алмашинувнинг бузилишларида ҳам бу муаммо юзага келиши мумкин.

Бу касалликнинг энг кенг тарқалган сабабларидан яна бири спиртли ичимликларни истеъмол қилишдир. Аммо сўнгги ўн йилликда умуман спиртли ичимлик истеъмол қилмаган инсонлар ҳам жигарда ёғ тўпланиш ҳолатларига дуч келмоқда.

Жигар циррози ёки саратонини қўзғатиши мумкин бўлган ушбу касалликни қорин бўшлиғи аъзолари мунтазам равишда текширилиб, таҳлил натижаларидан кейингина аниқлаш мумкин. Биласизми, агар жигарни ёғ босса, ҳужайраларда ортиқча миқдордаги ёғ тўпланиб, бутун орган ҳажмининг 10 фоизгача бўлган жойини эгаллайди ва сурункали жигар касалликларининг ривожланишига сабаб бўлади.

Хўш, жигарда ёғ тўпланиш хавфини жиддий равишда оширадиган омиллар ва аломатлар нималардан иборат? Қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.

## ИШТАХАНИНГ ОРТИШИ

Ривожланаётган касалликни аниқлаш мумкин бўлган дастлабки аломат бу – доимий очлик ҳисси. Шунингдек, ширинлик ва ёғли таомларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши. Агар ушбу аломатларга вақтида эътибор қаратилмаса ёки уларни истеъмол қилиш даражаси ортса, жигарда ёғ тўпланиш ҳолати кузатилади ва касаллик ривожланади.

## ҚОРИН СОҲАСИДА ЁҒ ЙИҒИЛИШИ

Ички аъзолар атрофида ҳосил бўладиган ёғ хавфи ҳисобланади. Чунки қорин ва белнинг катталиги 85 сантиметрдан ошган одамларда юрак-қон томир касалликлари, диабетнинг иккинчи тури ва жигарни ёғ босиш хавфи юқори бўлади. Агар сизда ушбу ҳолат кузатилаётган бўлса, тезда ортиқча вазни йўқотиш усуллари ҳақида мутахассис билан маслаҳатлашингиз лозим.

## ЮҚОРИ ХОЛЕСТЕРИН МИҚДОРИ

Қонда триглицерид ёки холестерин миқдорининг ортиши жигарда ёғ тўпланишининг белгилари бўлиши мумкин. Холестерин ишлаб чиқарадиган ва уни қонга тарқатадиган жигар ҳисобланади. Шунинг учун рациондан тўйинган ёғларни ўз ичига олувчи жуда кўп миқдорда озик-овқат ўрин олган бўлса, жигар яна ҳам кўпроқ холестерин ишлаб чиқаради. Ушбу кўрсаткич миқдори ортиб борса, нафақат юрак-қон томирлар, балки жигарга ҳам алоҳида эътибор талаб этилади.

## ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ ИККИНЧИ ТУРИ

Агар беморда қандли диабет касаллиги аниқланса, доимий жигар текширувлари ва тиббий кузатувлар олиб борилиши керак. 2016 йилда Калифорния университети олимлари олиб борган тадқиқот шуни кўрсатадики, қандли диабетнинг иккинчи тоифаси билан касалланган беморларнинг 65 фоизда жигарни ёғ босиш ҳолатлари кузатилади.

## ЮҚОРИ ҚОН БОСИМИ

Жигарнинг ёғ босиши билан касалланган беморларда гипертония кўпроқ учрайди. Агар сизда ҳам юқори қон босими кузатилса, энг аввало, жигарни текширтиришингиз керак бўлади.

## ИРСИЯТ

Оила аъзоларининг бирортасида жигарда ёғ тўпланиши кузатилган бўлса, бунда бошқа вакилларда ҳам ушбу касалликка чалиниш хавфи 13 баравар юқори бўлади. Чунки жигарнинг ёғ босиши, афсуски, ирсий касаллик ҳисобланади.

## ДОИМИЙ ЧАРЧОҚ ҲИССИ

Жигарнинг ёғ босишини қон текшируви ёки биопсияси аниқлашга ёрдам берадиган жисмоний аломатлар йўқ. Аммо доимий чарчоқ ва заифлик ҳисси бу касалликнинг яққол белгиси саналади.

## ҚОРИН БЎШЛИҒИНИНГ ЎНГ ТОМОНИДА ОҒРИҚ

Ушбу аломат ўзини жуда кеч намоен қилади. У, одатда, касалликнинг аллақачон ривожланиб бораётганидан дарак беради. Агар қориннинг ўнги томонида вақти-вақти билан ва тартибсиз равишда оғриқлар пайдо бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

## КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ПАСАЙИШИ

Бунинг учун беморлар бир неча йиллар давомида офтальмологга қатнаб даволанади. Улар эса албат-

та, кўплаб дори ва инъекцияларни қўллайди. Муаммо эса жигарда эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

## ҚОН КЕТИШИГА МОЙИЛЛИК, КЎКАРИШ, ТЕРИ ҚИЧИШИШИ ВА ДОҒЛАР

Жигар тўқималарига зарар етиши натижасида қон оқими зичлашади ва қон ивиши фаоллиги кузатилиши мумкин.

## СОЧ, ТЕРИ ВА ТИРНОҚЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Соч тўкилиши, терининг эластиклик даражаси пасайиши, тирноқ пластинкаларининг заифлашуви организмда темир танқислиги, витамин ва минераллар етишмаслигини кўрсатиши мумкин.

## ҚОРА ДОҒЛАР, ЙИРИНГЛИ ҲУСНБУЗАРЛАР

Терининг инфекцияга мойиллиги жигар фаол иштирок этадиган ёғ алмашинувнинг бузилиши жараёнига боғлиқ. Бундай вазиятда косметик даволаш усуллари вақтинчалик таъсирга эга.

## ЛАБ ҚУРИШИ, КЎЧИШИ ВА УНДАГИ ЁРИҚЛАР

Кўпчилик ушбу муаммони лабига қандайдир восита суриш ёки косметологга мурожаат қилиш билан ҳал этади. Аммо агар В гуруҳи витаминлари етишмаслигининг олди олинмаса, муаммо жарроҳлик йўли билан ҳал этилади.

## АЧЧИҚЛАНИШ, ЗАЙФЛИК, УЙҚУЧАНЛИК, ҚАЙФИЯТНИНГ ЎЗГАРИШИ

Шунингдек, жигарда ўзгариш бўлса, иш қобилиятининг пасайиши, нафас қисилиши, тахикардия, уйқунинг бузилиши, ақлий қобилиятнинг пасайиши, хотиранинг сусайиши ва бош оғриғи ҳам кузатилади. Бундай вақтда одамлар, одатда, невропатологга мурожаат қилади. Шифокорлар эса, ўз навбатида, турмуш тарзини ўзгартириш, стрессни йўқ қилишни маслаҳат беради ва уларни қийнаётган муаммодан келиб чиқиб, дори воситасини тавсия этади. Аммо агар организмда ҳақиқатан ҳам азот метаболизми бузилган бўлса, В, D гуруҳи витаминлари етишмаслиги кузатилса, демак, темир танқислиги вужудга келади. Бундай ҳолатда дори воситаларини қабул қилиш вазиятни янада оғирлаштиради.

## ТЕРНИНГ ЁҚИМСИЗ, ЎТКИР ҲИДИ, ТЕРМОРЕГУЛЯЦИЯНИНГ БУЗИЛИШИ

Бу ҳам жигар ҳужайраларининг яллиғланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Афсуски, ёқимсиз тер ҳидини бошқа нарсалар билан малакашдан аввал жигар ҳужайралари яллиғланиши сабабини топиш кўпроқ самара беради.

Ҳа, зарарсиздек туюлган бу аломатлар аслида жигарнинг жиддий муаммоларидан огоҳлантири-

ши хаёлга ҳам келмайди. Чунки организмда жуда катта вазифани бажарувчи, танани тозаловчи ва кўплаб муаммолардан ҳимоя қилувчи жигар оғирмайди, беҳудага безовта қилавермайди.

Жигар қунига 1,5 литр сафро ишлаб чиқаради, бу жуда яхши кўрсаткичдир. Шунингдек, 2 литр қонни ўз ичига олган моддалар массасини тўплашга қодир. У ўзи учун қанча миқдорда оксил, ёғ ва углеводлар кераклигини билади. Жигар одатдаги кундалик рационни, қанча истеъмол қилиш, нимани афзал кўришимизни билади ва шунга қараб, сафронинг таркибини ҳосил қилади. У гормон, витамин, минерал ҳамда қувват захирасини ҳам билади ва уларнинг барчасини тўғри тақсимлайди. Шунингдек, жигар нафақат танага ташқаридан кирган, балки модда алмашинуви жараёнида танада ҳосил бўладиган моддаларни зарарсизлантиради ва чиқариб ташлайди. Аммо сиз ҳар доим пала-партиш ҳаёт кечирсангиз, тўғри овқатланиш қоидаларига риоя этмасангиз, ёғли овқатлардан тийилмасангиз, соғлигингизга эътиборли бўлмасангиз, жигарингизга юктамаларни орттириб бораверасиз. Натижада ушбу аъзо зарарланиб, саломатлигингизга путур етади.

## АНТИБИОТИК ДОРИЛАР ЖИГАРДА АСОРАТ ҚОЛДИРАДИМИ?

Албатта, асорат қолдиради. Яъни антибиотикларни узоқ вақт, асоссиз ва тартибсиз ичиш жигарда токсик гепатитни келтириб чиқаради. Беморнинг жигар фаолияти бузилади, ҳолсизланади, ферментлар сони ошади, иштаҳа йўқолади. Бу дарддан қутулиш учун жигар ҳужайралари тиклангунча шифокор назорати остида даволаниш, парҳезга амал қилиш талаб этилади.

## ЖИГАРДА МУАММО БЎЛМАСЛИГИ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Бунинг йўли оддий, аввало, шахсий гигиенага қатъий риоя қилиш, кун тартибини тўғри ташкил этиш, ҳамиша жисмоний ҳаракатда бўлиш, болаларни гепатит А га эмлатиш, катталар шифокор кўригидан ўтиб, гепатит В га эмланиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, овқатланиш рақонидида суюқлик миқдорини ошириш керак, айниқса, сув, ўсимлик ва матча чойи кабиларни. Гўшти таомларни қовоқ билан уйғунлаштириш зарур. Сабаби қовоқнинг таркибида жуда кўп миқдорда А, Е ва В<sub>11</sub> витаминлари мавжуд. Бу эса ёғнинг яхши парчаланиши, вазни камайтириш ва мушак тўқималарининг пайдо бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари, ўз вақтида дам олиш, мева ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш, болаларга тез тайёр бўлувчи фастфуд овқатлар бермаслик, газли сувлар ичирмаслик зарур.

**Г. ҲОЖИМУРОДОВА тайёрлади.**

# FAXRIYLAR ham HAYRATDA

**Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari va Harbiy havo kuchlari qo'mondonligiga qarashli Chirchiq shahridagi harbiy qismlardan birida "Vatanparvarlik oyligi" doirasida "Faxriylar va yoshlar" uchrashuvi o'tkazildi. Unda faxriylar, harbiy xizmatchilar va o'quvchi-yoshlar ishtirok etdi.**

Tadbirida so'zga chiqqan iste'fodagi polkovnik Aleksandr Xarlamov uzoq yillik faoliyatidan voqea va hodisalarni so'zlab berdi. Uchuvchi-snayper bo'lgan Xarlamov tinchlikning qadriga yetish kerakligini ta'kidladi. Boshidan o'tkazgan 50 yillik tajribasini yosh uchuvchilar bilan o'rtoqlasharkan, bugungi yaratilgan sharoitlar bilan oldingilarini taqqoslab bo'lmisligiga urg'u berdi. "Ko'ksimda yaltirab turgan orden va medallarning aksari tinchlikka qo'shgan hissam uchun berilgan. Xo'hlardimki, siz yoshlar ham yurt tinchligi yo'lida qilgan xizmatlaringiz uchun ko'ksingizda bo'sh joy qolmaguncha orden va medallar olinglar. Ammo biz kabi urush ko'rmanglar. Avvalo, tinchlikning qadriga yetinglar", deya o'z so'zini yakunladi.

– Faxriylarning tajribasini yoshlarga yetkazish zarur deb hisoblayman. Chunki ularning yarim asrlik faoliyatida turli voqea va hodisalar bo'lib o'tgan va ustozlarimiz o'sha vaziyatlardan oqilona chiqib ketish imkonini qilishgan. Qolaversa, faxriylarimizdan o'rganishimiz kerak bo'lgan yana bir jihat shundaki, ularda iroda, sabr, matonat va qat'iyat ancha yuqori. Biz, yoshlar "Ustoz-shogird" an'anasiga sodiq qolgan holda ularning suhbatida qancha ko'p bo'lsak, keyingi faoliyatimizdagi samara ham shuncha yuqori bo'ladi, – deydi kapitan

Nuriddin Rahimov. – Qolaversa, yurtimizning ilk harbiy uchuvchilaridan o'rganishimiz kerak bo'lgan ayrim tajribalarni biror sahifalardan topishning imkoni yo'q. Shunday ekan, hozirda tirik afsona bo'lib, yonimizda bo'lgan ustozlarning bilimlarini imkon qadar ko'proq olishimiz kerak.

Biror inson yo'qki, bolaligidan samolyot va vertolyotga qiziqmasa. Shuni inobatga olgan tadbir tashkilotchilari ishtirokchi yoshlarni harbiy texnikalar bilan tanishtirdi. Shunday qilib, "Faxriylar va yoshlar" uchrashuvi ochiq eshiklar kuniga ulanib ketdi.

– Yoshlarning biz boshqarib kelayotgan harbiy texnikalarga qiziqishini kutgandim, ammo faxriylar ham bu qadar qiziqish bilan qarashlarini kutmagandim, – deydi harbiy uchuvchi katta leytenant Azizbek Muxtorjonov. – Bizdagi sharoitlar bilan birga texnikalar ham yangilanib borayotganligi faxriylarni ham befarq qoldirmadi. O'quvchi-



Muallif suratga olgan

harakat qildim. O'ylaymanki, faxriylarimiz o'zlari paytidagi texnikalar bilan taqqoslashdi, o'quvchi-yoshlar esa kerakli ma'lumot olishdi. Ajabmaski, kelajakda bugungi tashrif sabab harbiy uchuvchi bo'lishni maqsad qilgan yoshlar soni ko'paysa. Tadbir so'ngida harbiy qism mutasaddilari tomonidan faxriylar uchun esdalik sovg'alar topshirildi.

**Sherzod SHARIPOV,**  
«Vatanparvar»

**UCHRASHUV**

**YARATUVCHANLIK**

## FILM VOQEALARI SAHNAGA KO'CHDI

**Toshkent shahri Mirzo Ulug'bek tumanida joylashgan Mudofaa vazirligiga qarashli harbiy qismda "Ilhaq" filmi ijodkorlari hamda harbiy qism shaxsiy tarkibi ishtirokida ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi.**



"Ilhaq" filmi o'zbek harbiy dramasi asosida "Belarusfilm" kinostudiyasi bilan hamkorlikda yaratilgan bo'lib, unda Ikkinchi jahon urushi davrida besh farzandini yo'qotgan Zulfiya onaning matonati haqida hikoya qilinadi.

Tadbirida film bosh qahramoni Zulfiya Zokirova obrazini gavdalandirgan O'zbekiston xalq artisti Dilorom Karimova urush va u keltirgan ayanchli oqibatlar haqida to'xtaldi. Bu filmda har bir aktyor o'z rolini nafaqat mahorat bilan ijro etgani, balki o'sha davr bilan hamohang yashaganliklarini aytib o'tdi.

Yakunda harbiy xizmatchilar uchun "Ilhaq" filmning eng ta'sirli epizodlaridan parchalar namoyish etildi.

**Sherzod EGAMBERDIYEV,**  
«Vatanparvar»

## TO'YGA MUNOSIB TO'YONA

**O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yilligi hamda 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni bayrami munosabati bilan Xorazm viloyati Xonqa tumani mudofaa ishlari bo'limi binosi foydalanishga topshirildi. Binoning ochilish marosimida Xorazm viloyati hokimi vazifasini bajaruvchi Jo'rabek Rahimov, Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondoni polkovnik Farhodjon Shermatov hamda davlat va jamoat tashkilotlari vakillari ishtirok etdi.**



Unda so'zga chiqqanlar mudofaa ishlari boshqarma va bo'limlari yoshlarning armiya haqidagi ilk taassurotlarini shakllantiruvchi, shu asnoda ularda harbiy-vatanparvarlik tarbiyasini mustahkamlovchi dargoh ekanligini, bu maskanlar bejiz "armiya ostonasi" deyilmasligini hayotiy misollar orqali tushuntirishdi hamda harbiy sohada amalga oshirilayotgan izchil islohotlar, harbiy xizmatchilar va ularning oilalariga davlatimiz tomonidan ko'rsatilayotgan e'tibor va g'amxo'rlik haqida gapirishdi. O'zbekistonlik harbiylarning har yili Xalqaro armiya o'yinlarida munosib

ishtirok etib, Vatan bayrog'ini ko'klarga ko'tarayotganini g'urur bilan e'tirof etishdi.

Harbiy xizmatchilarning ko'rgazmali chiqishlari, Nukus garnizoni harbiy orkestri ijrosidagi konsert dasturi barchaga bayram kayfiyatini ulashdi.

Tadbir nihoyasida mehmonlar yangi binoda yaratilgan shart-sharoitlar bilan tanishdi.

**Podpolkovnik Timur NARZIYEV,**  
Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati boshlig'i

## QALBLARGA QUVONCH ULASHIB

Mehr-muruvvat, saxovat va birodarlik inson ziynatidir. Mehr va e'tiborga muhtojlarga mehr ulashish, ko'mak berish oliyanob fazilatlar sirasiga kiradi.



Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtining targ'ibot guruhi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yilligi hamda Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan "Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir" shiori ostida o'tkazilayotgan "Vatanparvarlik oyli" doirasida Chirchiq shahrida istiqomat qilayotgan Ikkinchi jahon urushi qatnashchilari, mehnat fronti faxriylari, mustaqillik yillarida xizmat burchini bajarish vaqtida halok bo'lgan harbiy xizmatchilarning oilalari va bilim yurti harbiy xizmatchilarining nogironligi bor farzandlari yashash xonadonlariga borib, ularning holidan xabar olindi.

Tashrif davomida bilim yurti targ'ibot guruhi tomonidan yuqoridagi xonadon a'zolariga moddiy va ma'naviy ko'mak berildi hamda ularning o'ksik qalblariga ozgina bo'lsa-da quvonch ulashildi.

Bu kabi tadbirlar jamiyatimizda mehr-oqibat, odamiylik, ezgulik kabi fazilatlarini kuchaytirish bilan birga, barchani xayrli va savobli ishlarga undaydi.

Kichik serjant Xayrullo O'LMASOV

## UCH AVLOD UCHRASHUVI

Toshkent harbiy prokuraturasi tomonidan Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti hamda Zangiota tumani xalq ta'limi bo'limi, tuman ma'naviyat bo'linmasi bilan hamkorlikda "G'alaba bog'i" yodgorlik majmuasida "Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir" shiori ostida ma'naviy-ma'rifiy tadbir o'tkazildi.



Unda harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari, faxriylar hamda taniqli shoir va aktyorlar, Zangiota tumani maktablarining "Vatan tayanchi" otryadlari o'quvchilari, harbiy orkestr va ansambli xonandalari ishtirok etdi.

Mehmonlar harbiy orkestr sadolari ostida kutib olindi. Shundan so'ng tadbir tashkilotchilari va mehmonlar "G'alaba bog'i" yodgorlik majmuasi va "Shon-sharaf" davlat muzeyi bo'ylab sayohat qildilar. Shundan so'ng "Qahramonlar nomi barhayot" mavzusida davra suhbatini tashkil etildi.

Tadbir davomida iqtidorli o'quvchilar o'rtasida "Mening armiyam – mening faxrim" mavzusida "Eng yaxshi tasviriy san'at asari" tanlovi ham o'tkazildi. Yakunga ko'ra, g'oliblikni qo'lga kiritgan o'quvchilar diplom va esdalik sovg'alar bilan taqdirlandi.

"Impuls" harbiy ansambli xonandalari tomonidan ijro etilgan Vatanni madh etuvchi kuy-qo'shiqlar barchaga xush kayfiyat ulashdi.

Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV,  
Toshkent harbiy prokurorining yordamchisi

### MUDOFAGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTLARIDA



MAMLAKATIMIZ QUROLLI  
KUHLARI TASHKIL  
ETILGANLIGINING 31 YILLIGI  
VA VATAN HIMOYACHILARI  
KUNI MUNOSABATI BILAN  
JOYLARDA TURLI MA'NAVIY-  
MA'RIFIY TADBIRLAR,  
DAVRA SUHBATLARI  
HAMDA UCHRASHUVLAR  
O'TKAZILMOQDA.



# HAMKORLIK ALOQALARINING MUHIM O'RNI

Jumladan, O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Toshkent viloyati kengashi tasarrufidagi Bekobod tumani o'quv sport-texnika klubi tomonidan Bekobod shahridagi harbiy qismlarning birida tashkil etilgan tadbir ham ushbu muhim sanaga bag'ishlandi. Tuman mudofaa, ichki ishlar, xalq ta'limi bo'limlari, Yoshlar ishlari agentligi hamda Ma'naviyat-targ'ibot markazi tuman bo'limi bilan hamkorlikda o'tkazilgan tadbir yoshlar bilan bir qatorda mehnat faxriylari ham faol ishtirok etdi.

– "Vatanparvarlik oyli" doirasida o'tkazilayotgan bunday

tadbirlar yoshlarning qalbidan ona Vatanga muhabbat va sadoqat hissini, vatanparvarlik tuyg'usini shakllantiradi, – deydi O'STK boshlig'i Javlon To'raboyev. – Bu esa, o'z navbatida, yoshlar kamolotida alohida o'ranga ega.

Shu o'rinda ta'kidlab o'tish joizki, Bekobod tumani o'quv sport-texnika klubida ommaviy kasb mutaxassislarini tayyorlash hamda sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish borasida ham muayyan ishlar amalga oshirilmoqda. Birgina o'tgan 2022-yil mobaynida Bahrom G'aniyev, Furqat Dehqonov, Mirodil Yo'ldoshev, Abdurauf Xolmatov, Furqat Xoliqulov, Anvar Karimov, Oynisa Karimova, Alisher To'ychiyev,

Javohir To'raboyev, Husanboy Polvonov singari o'qituvchi va amaliy boshqarishni o'rgatuvchi-ustalar hamda sport murabbiylari sa'y-harakatlari bilan 880 nafar "B", "BC", "BE", "CE" hamda "D" toifali haydovchilar tayyorlashga erishildi. Natijada bu borada belgilangan reja 115 foizga bajarishga erishildi. Shuningdek, tumandagi "Yoshlar daftari"ga kiritilgan yoshlarning 36 nafari "BC" toifali haydovchilik kurslarini muvaffaqiyatli bitirib chiqdi.

Bundan tashqari, O'STKda yoshlarning jismonan va ma'nan yetuk bo'lishlariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu bois klub qoshida "Havo miltig'idan o'q otish", "Yozgi biatlon", "Duatlon" kabi seksiyalar faoliyati yo'lga qo'yilgan.

Xulosa o'rnida aytish mumkin, mazkur tuman o'quv sport-texnika klubi tomonidan o'tkazilayotgan tadbirlarda hamda uning qoshidagi to'garaklarda qatnashayotganlarning safi yil sayin kengayib borayotganligi, ayniqsa quvonarli. Bunda davlat va jamoat tashkilotlari bilan birga yo'lga qo'yilgan hamkorlik aloqalari muhim o'rin tutmoqda.

# BOLAJON



QISH

ZAVQI



YANGI

YIL

*Ko'zimni ochib asta,  
Derazadan poyladim.  
Qor qoplabdi birpasda  
Olamni, deb o'yladim.*

*Eshik ochdim shoshilib,  
Ko'chaga chiqdim chopib.  
Kutib oldi do'stlarim,  
Qo'llariga qor olib.*

*Bunda o'ynab qorbo'ron,  
Yasadik qorbolalar.  
Muzg'aloqda sirg'anib,  
Charchamadi bolalar.*

*Bezatilgan archamiz,  
Yonar edi rang-barang.  
Vaqtning o'tib ketganin,  
Bilmay qolibmiz, qarang!*

*Oppoq qorlar yog'moqda,  
Kutamiz Yangi yilni.  
To'lar qalblar quvonchga,  
Orzular eltar dilni.*

*Bezatamiz archani,  
Osamiz, o'yinchoqlar.  
Taklif qilib barchani,  
Ochamiz keng quchoqlar.*

*Boshlandi o'yin-kulgi,  
Chorlaymiz Qorboboni.  
Qo'shiq ila egallar,  
Shodligimiz dunyoni.*



**SURATLARDAGI  
10 TA FARQNI  
TOPING!**

# ЭСДА ҚОЛГАН ЙИЛ



**САРҲИСОБ. БУ ШУНДАЙ ЛАҲЗАЛАРКИ, ЯШАБ ЎТГАН УМРИМИЗГА ХОЛИС НАЗАР ТАШЛАЙМИЗ. ОРТГА ҚАЙРИЛИБ, ЙИЛ БОШИДАН СЎНГИГА ҚАДАР ОШИБ ЎТИЛГАН ДОВОНЛАР, МЕҲНАТУ МАШАҚҚАТЛАР, РАҒБАТУ ЗАВҚЛАР СИЛСИЛАСИГА ГУВОҲ БЎЛАМИЗ. АМАЛГА ОШГАН ИШЛАР ҲИСОБИ АВВАЛО БИЗНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРСА, ЯНГИ ЙИЛДА КУТИБ ТУРГАН КАТТА-КАТТА МАРРАЛАР МЕҲНАТ ВА ҲАРАКАТГА ЧОРЛАЙДИ.**

Яқинлашиб келаётган 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини арафасида таҳририят ва унинг жамоаси фаолиятини холис сарҳисоб қилишга ҳаракат қилдик.

Чиндан ҳам 2022 йил «Vatanparvar» бирлашган таҳририяти жамоаси учун қайноқ ижод ва эътирофлар йили бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Аввало, Қуролли Кучларимиз тарихини муҳрлашда муҳим ўрин тутувчи «Vatanparvar» газетасининг 30 йиллиги кенг нишонланди. Шунингдек, ўтган йилда таҳририят томонидан Қуролли Кучларимизнинг 31 йиллигига бағишланган «O'zbekiston armiyasi obyektiv qarshisida», «Armiya bilan hamqadam, hamfikir, hamnafas» китоблари нашр этилиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Айниқса, таҳририят жамоаси учун 2022 йил муваффақиятларга бой бўлди.



Қуролли Кучлар хизматчиси, шоира ва журналист **Зулфия Юнусова** Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Бир-биридан қизиқарли ҳикоя ва шеърлари, ватанпарварлик руҳидаги мақолалари билан танилган ижодкоримиз «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланди.

майор Гулнора Ходжамуратова



«Vatanparvar» бирлашган таҳририяти бошқармаси бўлим бошлиғи майор Гулнора Ходжамуратова эса 2022 йил 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан Президентимиз фармони билан «Шухрат» медали билан тақдирланди. Шунингдек, у Халқаро хотин-қизлар кунини байрами арафасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан ўтказилган «Атиргул» танлови совриндори бўлди.

капитан Азиз Норқулов



Капитан Азиз Норқулов учун ҳам ўтган йил кувончларга бой кечди. У «Энг улғу, энг азиз» кўрик-танловининг «Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг мақолалари» номинациясида 1-ўринни, «Посбониман муқаддас юртнинг» шеърлар ва ҳикоялар танловида 2-ўринни қўлга киритди. Ўша йили у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

катта лейтенант Бобур Элмуродов



«Vatanparvar» бирлашган таҳририяти бўлим катта офицери катта лейтенант Бобур Элмуродов Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Мустақил Ўзбекистонда менинг ҳуқуқларим» ижодий танлови ҳамда «Посбониман муқаддас юртнинг» шеърлар ва ҳикоялар танловида фахрли 1-ўринни эгаллади. «Қадринг баланд бўлсин, Она тилим!» республика танловида эса «Ўзбек тилининг қудрати ва гузаллигини тараннум этган энг яхши бадиий асар» йўналиши бўйича совриндор бўлди.

катта лейтенант Исломжон Қўчқоров



Таҳририятнинг «Қўшинлар билан ишлаш» бўлими бошлиғи катта лейтенант Исломжон Қўчқоров ўтган йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Шунингдек, у «Инсон қадри учун» ва «Муқаддасдир Ватан байроғи» мавзусидаги ижодий танловларда совриндорлар сафидан жой олди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Аслида таҳририят ходимларининг ҳар бирлари бундай ютуқ ва рағбатларга ҳақли. Олдинда жамоани бундан-да улкан марралар, бир-биридан қизиқарли ижодий жараёнлар кутиб турибди.

Таҳририят

@Vatanparvargazetasi\_bot  
"Vatanparvar" birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING ELEKTRON SHAKLI

**VATANPARVAR**

MUASSIS

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

**Tahririyat kengashi:**  
polkovnik Hamdam Qarshiyev  
polkovnik Otabek Yuldashev  
polkovnik Alisher Boboxonov  
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Bosh muharrir:**  
podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

**Telefonlar:**  
kotibiyat: 71 260-36-50  
buxgalteriya: 71 260-35-20  
yuridik bo'lim: 71 260-29-41  
faks: 71 260-32-29

**Navbatchi:** katta leytenant Ismoiljon Qo'chqorov  
**Sahifalovchi:** Begali Eshonqulov  
**Musahhih:** Sayyora Meliqo'ziyeva

Buyurtma: Г-0105  
Hajmi: 6 bosma taboq  
Bichimi: A3  
Adadi: 29 427 nusxa  
Bosishga topshirish vaqti: 14:00  
Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga "O'zbekiston" HMIU mas'ul.

Gazeta juma kuni chiqadi.  
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.  
Bahosi: kelishilgan narxda.

"O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:  
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.